Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 174 (20. 142) • 1988 йил 31 июль, • якшанба • Баҳоси 3 тийин.

• *Ўзаро текшириш давом этмоқда*

ҚЎШИМЧА ИШЛОВ ЗАРУР

Наманган области меҳнаткашлари бу йил андижонлик ва самарқандлик ҳамкасблари билан мусобақалашиб ишламоқдалар. Яқинда бу ерга ташриф буюрган ҳар икки область вакиллари Наманган далаларида амалга оширилаётган бир қатор янгиликларни ўрганишди.

— Масалан, — дейди Ленин районидаги «Социализм» колхозининг бригада бошлиғи, ўзаро текшириш бригадасининг аъзоси М. Раҳимова, — Уйчи районидаги Ленин номли колхозда бўлганимизда кенг пуштанинг икки ёнига экилган баравж ғўзалар диққатимизни тортди. Маълум бўлишича, бу янги усул пахтанинг арта пишишига имкон бераркан. Тўрақўрғон районидаги «Ўзбекистон» колхозида эса маккажўхори билан қизилчани аралаштириб экилганлиги жуда яхши самара бераётганлиги гувоҳи бўлдик.

— Наманганликлар, —деди Пастдарғом районидаги Ленин номли совхоз директори, ўзаро текшириш группаси аъзоси М. Раймиқулов, — деҳқончилик маданиятига, меҳнаткашларнинг моддий шароитига жуда катта эътибор беришаётгани бизни қувонтирди.

Мусобақадошлар ютуқлар билан бирга камчиликларни ҳам рўй-рост айтишди. Чунончи, Косонсой, Янгиқўрғон районларида ўсишдан орқада қолган ғўзалар кўплиги, бунинг учун қўшимча ишлов ўтказиш зарурлиги тўғрисида фикр билдиришди.

Шунингдек, андижонлик ва самарқандлик мусобақадошлар ўзаро текшириш чоғида мева, сабзавот тайёрлашдаги, қайта ишлаш корхоналари ишидаги ва ободончилик соҳасидаги айрим нуқсонларни ҳам таъкидлашди.

Ш. ХОЛМИРЗАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ХІХ БУТУНИТТИФОҚ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШ СОҲАСИДАГИ АМАЛИЙ ИШЛАР ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. ГОРБАЧЕВнинг 1988 йил 29 июлда КПСС Марказий Комитети Пленумида қилган доклади

Ўртоқлар!

Сиёсий бюро XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қайта қуришнинг ғоят муҳим сиёсий марраси бўлиб қолган конференциянинг қарорларини бажариш юзасидан амалий чора-тадбирларни муҳокама қилиш учун ушбу Пленумни чақиришга қарор қилди.

Партияда, жамиятда қайта қуришнинг амалий вазифаларини рўёбга чиқариш ишларини кучайтириш зарурлиги тўғрисида қатъий фикр вужудга келганлигини конференцияда биз ҳаммамиз, айниқса, ўткир ҳис этдик. Бу ҳақда, айниқса, ишлаб чиқариш коллективлари вакиллари бўлган делегатлар баралла гапирдилар.

Иккиланиб қутиб турмай, камчиликлар ва нуқсонларга ўз фикрини дадил билдириш, ҳаракатимиз йўлидаги барча тўсиқ ва ғовларни бартараф этиб қатъий ҳаракат қилиш тўғрисидаги яқдил талаб янгради. Делегатлар ўз нутқларида ишларнинг боришидан ташвишларини билдирибгина қолмадилар, очиқ тан олайлик, партия, совет ва хўжалик органлари, раҳбар кадрларимиз ҳаракатларидан норозилик ҳам ифодаланди.

Очиқ гапириш керак, ўртоқлар, вақт бизни шошилтирмоқда. Бу нима билан боғлиқ?

Биринчидан, партияда ҳисобот-сайлов кампанияси бошланмоқда.

Сиз билан биз Бутуниттифоқ конференциясини ўтказиш муддатлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилганимизда, коммунистларнинг ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва район, шаҳар, округ, область, ўлка партия ташкилотларининг конференциялари умумпартия анжуманининг сиёсий йўл-йўриқлари асосида ўтиши учун бу анжуманнинг партияда ҳисобот-сайловлар арафасида бўлишини кўзда тутган эдик.

Бундан ташқари конференцияда сиёсий система ислоҳотига доир барча ишларни келгуси йил баҳорида янги ҳуқуқий негизда сайлов ўтказиш ва СССР халқ депутатлари съездини чақиришни кўзлаб сира кутиб турмай, ҳозирданоқ ташкил этиш тўғрисида келишиб олдик.

Конференция делегатлари иқтисодий ислоҳотни янада чуқурлаштиришни қатъий ёқлаб чиқдилар, чунки туб социал-иқтисодий вазифаларнинг амалга оширилиши ва халқ турмушининг яхшиланиши ана шунга боғлиқ.

Хуллас, қайси томондан ёндашмайлик, вақтни бой бериб бўлмайди, ҳаракат қилиш, қатъий ҳаракат қилиш, тобора ўткир сиёсий тус олаётган амалий масалаларни ҳал этиш учун талабчанликни ошириш керак.

Умуман, ўртоқлар, ҳаракат қилиш, конкрет ишларни амалга ошириш пайти келди, барча партия ташкилотлари, ҳамма кадрларимиз, барча коллективларнинг, ҳар бир меҳнатчининг масъулияти ортадиган пайт келди.

Ҳаммамиз шу ҳафталар давомида конференциянинг аҳамиятини яна бир бор ўйлаб кўриш, унинг якунларини, қабул қилинган қарорларни асосли равишда баҳолаш учун имкониятга эга бўлдик. Айтиш мумкинки, партия турмушида мислсиз воқеа рўй берди. Конференция бутун жамиятни оёққа турғазди. Конференция муҳитининг ўзи: дадиллик, муносабатлилик, принципиаллик, талабчанлик, етилган муаммоларни рўй-рост муҳокама қилиш қайта қуришга жуда катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Янги маънавий-сиёсий вазиятда, реализм вазиятида ўтган конференция партияни умумхалқ сиёсий мактабининг, ошкоралик ва демократия мактабининг янги тажрибаси билан бойитди. Конференцияга бўлган қизиқиш сусаймаяпти. Конференция ўртага қўйган ва ҳал қилган барча масалалар манфаатдорлик билан муҳокама қилинмоқда. Конференция бутун дунёда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Партиямизнинг қудратли потенциалини конференция яна бир бор ишонарли тарзда намойиш қилди. Айтишим мумкинки, партия қаддини ростлаб олгандай бўлди, халқ олдидаги жуда катта масъулиятни ҳис этган ҳолда баланд овоз билан, новаторчасига, дадил гапира бошлади. Конференция КПСС қайта қуришнинг чинакам ҳаракатга келтирувчи кучи, унинг ташаббускори ҳамда халқ ва социализмнинг туб манфаатларини ифодаловчи тан олинган раҳбари эканлигини тасдиқлади. Бу партия конференциямизнинг энг муҳим сиёсий якунидир.

Хуллас, ҳозир шуни дадил айтиш мумкинки, конференциядан сўнг партия ҳам, жамият ҳам кечагидан бошқачароқ бўлиб қолди. Конференцияга тайёргарлик ва уни ўтказиш мамлакатнинг ўтмишини ҳам, ҳозирги даврини ҳам, келажагини ҳам тушунишни янги поғонага кўтарди.

Делегатлар ўтмишдаги хатолар ва жиноятларни қатъий қораладилар. Шу билан бирга улар совет халқининг тарихий ғалабаларини ўчириб ташлашга уринишларни қатъий рад этдилар.

Конференцияда қайта қуришнинг боришига, унинг ютуқларига, камчиликлари ва нуқсонларига принципиал позициялардан туриб баҳо берилди. Шуни дадил айтиш мумкинки, конференция бизни жамиятни янгилаш йўлидаги ҳаракатимизнинг муаммолари ва вазифаларига янгича баҳо бериш даражасига олиб чиқди.

Конференция коммунистларнинг, бутун халқнинг қайта қуришни изчиллик билан давом эттириш, унга муқаррар тус бериш, ички ва ташқи сиёсатнинг ҳамма соҳаларидаги амалий масалаларни ғайрат билан ҳал қилишга зўр бериб интилаётганлигини намойиш қилди.

Шу билан бирга конференция жамиятда консерватив кайфиятлар, ўтмишни қўмсаш, шубҳа туғдиришга уриниш, қайта қуришни тарихий бунёдкорлик эмас, балки ҳатто ижтимоий беқарорлик сифатида тасвирлашга уриниш ҳали тўла бартараф этилмаганлигини ҳам кўрсатди. Агар биз сиёсатда реалист бўлиб қолишни истасак, буни ҳам ҳисобга олмай бўлмайди.

Конференция делегатлари ўз фаолияти услуб ва методларини секинлик билан ўзгартираётган, кўп ҳолларда ошкоралик шароитида ишлашга тайёрлигини ва ишлай олишини, баҳслашишга, далиллар келтиришга, одамларни ишонтиришга, танқидни В. И. Ленин сабоқ берганидек, большевикчасига қабул қилишга қодир эканликларини намоён қилмаётган партия комитетлари олдига қатъий талаб қўйдилар.

Баъзи бировларни эса одамларнинг ғайрати ошганлиги, уларнинг ижтимоий-сиёсий активлиги уйғонганлиги чўчитмоқда. Оғизда улар қайта қуриш — лекин фақат ўзларига маъқул демократия мавжуд бўлган қайта қуриш тарафдорларидир; ошкоралик тарафдори — лекин муайян даражадаги танқидли ошкоралик тарафдорларидир; янгиланиш тарафдори — аммо ўзлари учун ҳамма нарса одатдагидек, эскичасига қоладиган янгиланиш тарафдорларидир. Тайёрга айёрликка қарши кураш ҳам қийин бормоқда. Конкрет иш учун конкрет кишилардан қатъий талаб қилинмаяпти.

Тўсқинлик қилиш механизми дарз кетган бўлса ҳам, бироқ у кўп соҳада ҳали ўз кучини сақлаб қолганлигини делегатлар ишонарли тарзда кўрсатиб бердилар. Янгилик йўлида қаерда ва қандай эски структура ва методлар турганлигини, унга халақит бераётганлигини, авж олишга йўл қўймаётганлигини конференция яхшироқ аниқлаб олишга ёрдам лашди. Конференция қайта қуришга тўсқинлик қилаётган кўпгина омиллар амалга оширилаётган баъзи тадбирларнинг пухта ўйланмаганлиги, уқувсизлик, бошқа субъектив сабаблардан бошланаётганлигини ҳам кўрсатди. Буларнинг ҳаммаси биргаликда қайта қуришнинг ушбу босқичида бизда нималарга эришганлигимизнинг, ҳали нималарни ҳал этишимиз, бунинг устига сира кечиктирмай ҳал этишимиз лозимлигининг ҳаққоний манзарасини тасвирлаб берди.

Пировард натижада, ўртоқлар, бу Марказий Комитет учун ғоят муҳим, конференция қайта қуришнинг боришига баҳо беришимизда реализмни кучайтирди. У жамиятнинг консерватизм ва тўсқинликни бартараф этиб, олға боришга қатъий ахд қилганлигини намойиш этди. Айни бир вақтда у ҳар қандай сохта революцион, ҳаётдан ажралиб қолган шиорларга, максималистик талабларга ҳамда ҳамма нарсани бирданига қайта қуришга хом хаёл билан уринишларга қарши чиқди.

Конференцияга тайёргарлик, конференциянинг ўзи кадрлар етуклиги, уларнинг сиёсий маданияти, ҳаракатнинг демократик формаларига тайёрлигини сиёсий жиҳатдан текширишга айланди. Кечиктириб бўлмайдиган ишларимиз, резервлар, ишнинг энг самарали форма ва методлари, айниқса, яққол намоён бўлди. Биз конференцияда ўзгартишларнинг кенг кўламини кўзда тутувчи қарорларни ишлаб чиқдик ва қабул қилдик, бу қарорлар социалистик жамиятнинг ўз эркин тараққиёти потенциал кучларини ишга солиши керак.

Конференция якунларини ва бўлиб ўтган мунозараларни яна бир бор ўйлаб кўриб, биз, ўртоқлар, амалий ишлар томон дадил бурилиш қилишга ўзимизни қатъий чоғлашимиз лозим.

Конференция шуни кўрсатдики, партияда ҳам, халқ ўртасида ҳам қайта қуриш қўллаб-қувватланганидан кейин илгари кўп марта бўзилган сўз ва иш бирлиги, ўз ҳаракатлари учун, худди шу каби фаолиятсизлиги учун масъулият туйғуси, айниқса, қатъият билан илгари сурилмоқда. Партия кадрлари бу ўзгармас партия қонунига, аввало ўзлари амал қилишлари шарт. Иш қилиш лозим, қабул қилинган қарорлар бажарилишини контрол қилиш лозим. Акс ҳолда эски хатолар такрорланиши шубҳасиздир. Аслида делегатларнинг ҳаммаси фикри ана шундай.

Конференция якунлари тўғрисида гапирганимда шу қисқача мулоҳазалар билан чекланишим мумкин эди. Лекин яна ва яна такрорлаб айтаманки, ўртоқлар, ғайрат билан ҳаракат қиладиган пайт келди ва энди имиллаш мумкин эмас. Конференция ишлаб чиққан сиёсий йўл-йўриқларни бажаришга доир амалий ишларгина қайта қуришга мукаррар тус беради.

Шу жиҳатдан Сиёсий бюро нималар қилмоқда?

Биринчидан, лойиҳалар комплекси ишлаб чиқилди, бу лойиҳаларда конференция қатнашчиларининг таклифлари ҳисобга олинган. Биринчи навбатда бу озиқ-овқат, савдо, халқ истеъмоли моллари ва хизмат кўрсатишга, яъни одамларга бевосита дахлдор бўлган, уларнинг кундалик эҳтиёжлари ва ташвишлари билан боғлиқ ишларга тааллуқлидир. Ҳужжатлар сизларнинг қўлингизда, бу мени ана шу ҳужжатларни батафсил баён қилиб беришдан халос этади.

Сўнгра сизларни делегатлар билдирган таклиф ва танқидий мулоҳазаларни амалга оширишга қандай ёндашганлигимиз тўғрисида хабардор қилиб қўймоқчиман. Сиёсий бюро оператив ҳал этишни талаб қиладиган барча масалалар юзасидан тегишли ташкилотларда ишлаётган коммунистларга, раҳбар кадрларга топшириқ берди. Истиқболли муаммолар юзасидан ҳам топшириқлар берилди ва конкрет таклифларни тайёрлаш учун муддатлар белгиланди. Сиёсий бюро бу ишларнинг ҳаммасини мунтазам назорат қилиб боради.

I.

Ўртоқлар! Шундай конкрет вазият вужудга келмоқдаки, партия конференцияси қарорларини амалга ошириш партиядаги ҳисобот-сайлов кампанияси билан бир вақтга тўғри келмоқда. Бўлажак ҳисобот ва сайловлар олдингиларига ўхшамайди, десам фикримга қўшиласиз, деб ўйлайман.

Буларнинг ҳаммаси Марказий Комитетнинг ҳам, жойлардаги партия комитетларининг ҳам зиммасига ҳисобот-сайлов кампаниясига пухта тайёргарлик кўриб, уни энг юксак даражада ўтказиш вазифасини юклайди. Партия ташкилотлари ўзини-ўзи жиддий текширишдан ўтказиши, жамият олдида масъулиятли имтиҳон топшириши ҳамма учун аниқ-равшан бўлиши керак.

Чамаси, бу ҳар биримиз топширилган ишни қандай бажараётганлигимиз, қайта қуришга қандай ҳисса қўшаётганлигимиз тўғрисида, ҳамма ҳам қайта қуришни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги гапларни зарур ишлар билан мустаҳкамлаяптими ёки йўқми, шу ҳақда очиқ-ойдин, рўй-рост ва ҳалол, чинакам партиявий гаплашиб олиш бўлади. Бундай ёндашув партия йиғилишлари ва конференцияларидаги суҳбатнинг асоси бўлиши лозим. Ана шундай бўлиши тўғри, ўртоқлар. Бу конференциянинг ишчанлик кўпроқ бўлсин, натижа кўпроқ бўлсин, деган талабига мос келади.

Шу боисдан ҳам қайта қуришни янада жўшқин қилиш, унга катта самарадорлик бағишлаш, олға томон ҳаракат қилишимизга, тўсқинлик қилаётган барча нарсаларга узил-кесил зарба бериш учун, иккиланишга чек қўйиш учун нималар қилиш керак, деган саволни партия мунозараси марказига қўйиш лозим.

Шу сабабли партия йиғилишлари, конференцияларни демократик ва ошкора ўтказиш, ҳамма нарсани олдиндан белгилаб қўйишнинг ҳар қандай кўринишларини истисно этиш, ишларнинг аҳволига, одамларни ҳаяжонга солаётган барча масалаларга холис баҳо бериш учун кенг имконият яратиш муҳимдир.

Қисқача айтганда, коммунистларнинг ҳисобот-сайлов йиғилишларида, партия конференцияларида XIX партия конференциясида бошланган гапни ўшандай принципиаллик, масъулият ва ишчанлик билан давом эттириш лозим. Ишларнинг аҳволи айни шундай ёндашишни талаб қилмоқда.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, эндиликда раҳбар партия органларини сайлаш ҳам янгича ўтади. Биз конференция делегатларининг сўзларини тинглар эканмиз, коммунистлар партиянинг раҳбар составини тузиш чоғида жуда талабчан бўлишларига ишонч ҳосил қилдик. Улар қайта қуришнинг мана шу муҳим босқичида, унинг асосий йўналишларида амалий ҳаракатлар қилиш даврига қадам қўйганимизда партия ташкилотларига раҳбарликни кимга топширишни принципиал позициядан туриб ҳал қиладилар.

Конференциянинг номзодларни кўрсатиш ва муҳокама қилиш, яширин овоз бериш учун бюллетенга мандатда белгиланганидан кўпроқ номзодларни киритиш, юқори партия органларини составига қуйидан номзодлар кўрсатиш ҳуқуқини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги тавсияларини ҳозирданоқ ишга солиш керак.

Хуллас, барча ишни партия конференциясида келишиб олганимиздек, худди ўша анжуманда ҳукм сурган муҳитдагидек қилишимиз керак.

Бўлажак ҳисобот-сайлов кампанияси ҳал этиши лозим бўлган вазифаларнинг муҳимлигини ҳисобга олиб, Сиёсий бюро ана шу масала хусусида КПСС Марказий Комитети Пленумининг махсус қарорини қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлур эди, деб ҳисоблайди. Биз бундай тадбирни биринчи бор кўрмоқдамиз, аммо уни вазиятнинг ўзи тақозо этмоқда. Айни вақтда сайлов тўғрисидаги инструкцияга ўзгартишлар киритиш зарурати пайдо бўлмоқда. Сизга ана шу хусусдаги таклифлар тарқатилган ва сиз ўз фикр-мулоҳазаларингизни айтсангиз керак.

Ҳисобот-сайлов кампанияси чоғида табиий равишда пайдо бўладиган яна бир масалага эътиборингизни қаратмоқчи эдим. Бу ўринда гап конференциянинг партиявий раҳбарлик лавозимларида туришни сурункасига икки муддат билан чеклаш хусусидаги йўл-йўриқларини бажариш тўғрисида бормоқда. Конференция бу қоидани бўлажак ҳисобот-сайлов кампаниясидан бошлаб амалга оширишни тавсия этди. Бу ўринда ёндашув қандай бўлиши керак?

Муддатни ҳисоблашни ҳам шу сайловдан бошлаш маъқул бўлар, Қонун акс кучга эга эмас, дейишади. Бу масалада ҳамма нарса равшанга ўхшайди. Шу билан бир қаторда партия ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялари бўлаётганида коммунистлар кўнглида, хўш, сайлаб қўйиладиган лавозимларда узоқ вақтдан буён ишлаётган ўртоқлар нима бўлади, деган савол туғилиши мумкин. Аммо партия Устави биронбир лавозимда қанча муддат ишлаганидан қатъи назар, ҳар бир партия ходимини сайлаш ёки сайламаслик тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун коммунистларга тўла ҳуқуқ беради. Бу ўринда раҳбар неча йилдан бери ишлаётгани эмас, ўз бурчларини қандай уддалаётгани, коммунистлар, меҳнаткашларнинг ишончи ва мададига сазоворми ёки сазовор эмасми — худди ана шу нарса ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Сайлаб қўйиладиган органларнинг таркиб топишида биз амал қилишимиз лозим бўлган бош мезон ана шудир. Марказий Комитет Пленуми қарорида буни очиқ-ойдин айтиш керак.

Бу ерда, Пленумда биз аниқлаб олишимиз ўринли бўладиган яна бир масала бор: конференция КПСС нинг Марказий контрол-ревизия комиссиясини ва унинг жойлардаги органларини тузишни ёқлаб чиқди. Бу галги ҳисобот ва сайловлар чоғида қуйидан бошлаб ана шундай органларни тузишга ҳозирнинг ўзидаёқ киришсак, қандай бўларкин? Шундай қилсак, биз жараённи жадаллаштиришгина қолмай, съездга қадар дастлабки тажрибани тўплаган ва бу тажрибани идрок этган бўлардик. Бошқа вариант бўлиши ҳам мумкин: бу ишни съезд арафасида ҳам қилса бўлади. Келинг, маслаҳатлашиб олайлик.

Бўлажак ҳисобот-сайлов кампанияси, бу кампанияни ўтказиш чоғида биз ҳал этишимиз лозим бўлган муаммолар ва масалалар хусусида гапирар эканмиз, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятига алоҳида тўхтаб ўтишни истардим. Партиядаги ҳисобот-сайлов кампанияси худди ана шу ташкилотлардан бошланади. Аммо гап фақат шундагина эмас. Гап аввало шундаки, иқтисодий ва социал соҳаларда қайта қуриш жараёнлари авж олаётгани муносабати билан ҳам, меҳнат коллективлари, бутун жамият турмушини демократизлаш чуқурлаштирилаётганлиги муносабати билан ҳам ҳозир бошланғич партия ташкилотлари янги вазиятда ишламоқдалар. Бу тушунарлидир. Барча амалий ишлар жойларда, меҳнат коллективларида ҳал бўлмоқда. Шу боисдан ҳам партия комитетлари партия ва жамоат турмушининг ҳозирги бурилиш босқичида бошланғич партия ташкилотлари фаолиятига зарур эътиборни қаратишлари керак. Бу ўринда сиёсий авангард сифатида партия функцияларини амалга ошира бориб, иқтисодий ислоҳот ўтказаётганини ва меҳнат коллективларининг ҳуқуқларини кенгаяётганлигини ҳисобга олиб ҳаракат қилиш учун кўп нарсаларни қайтадан идрок этиш лозим бўлади.

Маълумки, конференция арафасидаги мунозара чоғида ҳам, конференциянинг ўзида ҳам партиядаги сайлаб қўйиладиган органларнинг ролини ошириш тўғрисида кўп гапирилди. Шу муносабат билан қуйидагиларни айтмоқчи эдим. Янги сайланган партия комитетлари биринчи кунданоқ ўз ишларини конференцияда илгари сурилган ғояларни амалга оширишга киришишдан бошлашлари тўғрисида ўйлаб кўриш керак. Жумладан, шундай иш юритиш керакки, сайлаб қўйиладиган партия органларининг ҳамма аъзолари партия ташкилотлари турмушининг асосий масалаларини ўрганиш, умумлаштириш ва муҳокама қилишда муттасил қатнашсинлар.

Бунда биз, афтидан, партия комитети аъзоларини пленумларда ва бюро мажлисларида муҳокама қилиниадиган масалаларни тайёрлашга бир карра жалб этиш билан бир қаторда ана шундай ишга, аввало, партия фаолиятининг энг муҳим масалалари юзасидан тегишли комиссиялар тузиш йўли билан мунтазам тус беришимиз ҳам керак бўлади. Биз партия комитетлари бюросининг иши тўғрисида пленумларга мунтазам ахборот бериб туриш тўғрисидаги Устав талабига риоя қилишимиз зарур, деб ўйлайман.

Биз конференцияда сиёсий система ислоҳоти доирасида партия комитетлари ва давлат, хўжалик органларининг функцияларини белгилаб қўйиш ва шу муносабат билан партия аппарати структураси ва фаолиятини такомиллаштириш юзасидан амалий тадбирлар кўриш хусусида келишиб олган эдик. Сиёсий бюро ана шу вазифани ҳал этишнинг дастлабки принципларини муҳокама қилиш учун партия аппаратини қайта қуришнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги таклифларни тайёрлади. Қўлингизда шу таклифлар бор ва сиз мунозаралар чоғида шу хусусда ўз фикр-мулоҳазаларингизни айтсангиз керак.

Конференция партия аппаратининг партиянинг сайлаб қўйиладиган органларига қатъий бўйсунишни ва ҳисоб бериб туриши тўғрисидаги принципга оғишмай риоя қилиниши лозимлигини ёқлаб чиқди. Янги аппарат, аввало, сайлаб қўйиладиган партия органларига, умуман партияга жамият сиёсий авангарди функциясини тўлатўкис бажаришда актив ёрдам бериши керак. Масаланинг бутун моҳияти ана шундадир. Демак, партия аппаратини маъмурий-хўжалик функцияларидан батамом холи этиш, унинг ишини ички ва ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларига жамлаш, асосий эътиборни раҳбарликнинг сиёсий методларига қаратиш зарур. Бу нарса аппарат структурасида ҳам, унинг кадрлар составида ҳам акс этиши лозим. Аппарат ниҳоятда билимдон ва ҳозиргига нисбатан унинг сони анча кам бўлиши керак. Қўли бўшаб қолган ходимлардан тўғри фойдаланиш масаласи юзага келиши табиийдир. Партия аппаратида тайёргарлик кўрган кадрлар тўпланган. Уларнинг билими ва тажрибасидан жамият манфаатлари йўлида энг кўп самара билан фойдаланиш керак, бунда қўли бўшаб қолаётган ўртоқларнинг истаклари ҳам инобатга олиниши керак, албатта. Бу ўринда икки хил фикр бўлмаслиги керак, деб ўйлайман.

Партия аппарати структурасининг асосий параметрларини ишлаб чиқишни Сиёсий бюрога топшириш, конкрет структура, штат масалаларини ҳал этишни эса, Марказий Комитет аъзолари бир неча бор таклиф этишганидек, маҳаллий партия органларига бериш мумкин бўлур эди.

Энди Советлар ҳақида. Улар фаолиятини қайта қуриш сиёсий ислоҳотнинг энг муҳим вазифасидир. Партиядаги сайловдан кейин биз СССР халқ депутатлари сайловини ўтказишимиз, мамлакатнинг олий давлат органларини, республика, ўлка, область, округ, шаҳар, район, посёлка ва қишлоқ жойлардаги ҳокимият органларини қайта тузишимиз керак. Бу ишларнинг ҳаммасини бир йилда қилишимиз керак.

Ана шундай кенг миқёсдаги ишларни тегишли ҳуқуқий негизгагина амалга ошириш мумкинлиги тушунарлидир. Бунинг учун СССР Олий Советининг шу йил кузда бўладиган сессияси кўриб чиқмоғи учун Конституциягагина, сайлов ҳақидаги қонунларга киритиладиган бир қанча муҳим қўшимчалар ва ўзгартишларни тайёрлаб тақдим этиш, бошқа айрим ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш керак.

Бу умумдавлат манфаатларига тааллуқли бўлган кўпгина масалаларни ишлаб чиқишни талаб этади. Сиёсий бюро шу муносабат билан Марказий Комитетнинг махсус комиссиясини тузишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди. Шу хусусдаги таклифлар тарқатилди. Агар фикр-мулоҳазаларингиз бўлса, уларни айтишни илтимос қиламиз. Комиссияга, Марказий Комитет аъзоларидан ташқари ҳозир партия Марказий Комитети составига кирмаган тўртта иттифоқдош республика Компартиялари Марказий Комитетларининг биринчи секретарларини киритиш тўғрисида сизларнинг розилигингизни олишни истар эдик, холос.

Комиссия ўз ишини олимлар, амалиётчилар ва ғоят кенг жамоатчилик фикрига суяниб ташкил этиши лозимлиги равшандир. Шундан кейин биз СССР Олий Совети сессияси арафасида Марказий Комитет Пленумига йиғилиб, мазкур сессия кўриб чиқиши учун тақдим этиладиган таклифларни тайёрлашни ниҳоясига етказишимиз лозим бўлар.

Комиссия бажариши лозим бўлган барча ишларни тилга олмасдан, халқ депутатлари корпусини шакллантириш масаласини алоҳида таъкидлаб ўтишни истар эдим, чунки бу масала асосий масалалардан биридир. Биз ўзгаришларнинг бутун бир комплексини амалга ошириб, бунинг учун зарур замин яратишимиз керак.

Уларнинг бош мақсади— аҳоли барча қатламларининг Советлардаги ҳақиқий вакилатини таъминлашдан, Советларнинг ролини қатъиян кучайтириш шароитида янги вазифаларни амалга ошира оладиган кишилар депутат қилиб сайланишига эришишдан иборат.

Биз депутатларнинг составини чеклаб қўйишдан воз кечишимиз керак, албатта. Номзодларни кўрсатишда чеклашлар бўлмаслиги лозим. Сайловчиларга номзодларни муҳокама қилиш ва кўрсатиш босқичида ҳам, шунингдек, овоз бериш босқичида ҳам ҳақиқатан танлаб олиш ҳуқуқи берилиши зарур. Бунинг маъноси шуки, сайлов бюллетенларида, одатда, мандатлардан кўра кўпроқ номзодлар бўлиши керак. Аслида, партия конференцияси яқдиллик билан мана шундай тартиб бўлишини ёқлаб чиқди.

Сайловнинг ўзини ташкил этиш ҳақида гапириладиган бўлса, кўп мандатли сайлов округларидаги сайловлар қишлоқ, посёлка, округ, район ва шаҳар Советлари учун жуда мос келишини тажриба кўрсатди. Бу ерлардаги сайловчилар ўз номзодларини яхши биладилар ва номзодларнинг рўйхатига эга бўлгач, уларни тўғри танлай оладилар. Резерв депутатлар таркиби ҳам ўзини оқлайди, деб ўйлаймиз.

Бошқа маҳаллий Советларга, шунингдек, СССР, иттифоқдош, автоном республикаларнинг халқ депутатларига келганда шуни айтиш керакки, чамаси, уларни бир мандатли округларда сайлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Аммо бу жойларда ҳам меҳнат коллективларига, мамлакатнинг олий давлат органларини, республика, ўлка, область, округ, шаҳар, район, посёлка ва қишлоқ жойлардаги ҳокимият органларини қайта тузишимиз керак. Бу ишларнинг ҳаммасини бир йилда қилишимиз керак.

Ана шундай кенг миқёсдаги ишларни тегишли ҳуқуқий негизгагина амалга ошириш мумкинлиги тушунарлидир. Бунинг учун СССР Олий Советининг шу йил кузда бўладиган сессияси кўриб чиқмоғи учун Конституциягагина, сайлов ҳақидаги қонунларга киритиладиган бир қанча муҳим қўшимчалар ва ўзгартишларни тайёрлаб тақдим этиш, бошқа айрим ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш керак.

Бу умумдавлат манфаатларига тааллуқли бўлган кўпгина масалаларни ишлаб чиқишни талаб этади. Сиёсий бюро шу муносабат билан Марказий Комитетнинг махсус комиссиясини тузишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди. Шу хусусдаги таклифлар тарқатилди. Агар фикр-мулоҳазаларингиз бўлса, уларни айтишни илтимос қиламиз. Комиссияга, Марказий Комитет аъзоларидан ташқари ҳозир партия Марказий Комитети составига кирмаган тўртта иттифоқдош республика Компартиялари Марказий Комитетларининг биринчи секретарларини киритиш тўғрисида сизларнинг розилигингизни олишни истар эдик, холос.

Комиссия ўз ишини олимлар, амалиётчилар ва ғоят кенг жамоатчилик фикрига суяниб ташкил этиши лозимлиги равшандир. Шундан кейин биз СССР Олий Совети сессияси арафасида Марказий Комитет Пленумига йиғилиб, мазкур сессия кўриб чиқиши учун тақдим этиладиган таклифларни тайёрлашни ниҳоясига етказишимиз лозим бўлар.

Комиссия бажариши лозим бўлган барча ишларни тилга олмасдан, халқ депутатлари корпусини шакллантириш масаласини алоҳида таъкидлаб ўтишни истар эдим, чунки бу масала асосий масалалардан биридир. Биз ўзгаришларнинг бутун бир комплексини амалга ошириб, бунинг учун зарур замин яратишимиз керак.

Сайлов тўғрисидаги қонунларни тайёрлашга ижодий ёндашиш, регионал ва миллий хусусиятларни эътиборга олиш керак. Башарти, айтайлик, турли республикаларда маҳаллий Советларга сайлов тўғрисидаги қонунларнинг бирон-бир жиҳати бир-биридан фарқ қилса, бизнинг демократик тажрибамиз фақат бойиб қолади, сайлов системасини янада ривожлантириш учун янги имкониятлар пайдо бўларди.

(Давоми иккинчи бетда).

М. С. ГОРБАЧЕВ доклади

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Тайёрланаётган Қонун актларида депутатларнинг сессияларда масалаларни яширин овоз бериш йўли билан ҳал этиш ҳуқуқи назарда тутилиши, депутат ишлаб чиқариш ва хизмат вазифаларидан озод этилиши даврида унинг меҳнатига қайси манбалардан ҳақ тўланиши белгилаб қўйилиши лозим. Маҳаллий Советларнинг президиумларини тузиш, шунингдек, Советларнинг раисларини сайлаш масалалари Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилиши керак.

Советлар ва уларнинг ижроия комитетлари ўзларининг янги вазифаларини нормал бажара олишлари учун уларга зарур шароитларни таъминлаш лозим. Тегишли моддий ва ҳуқуқий базани вужудга келтириш, Советларни ўз мажбуриятларини бажаришга янгича ёндашишга ундайдиган омиллар комплексини шакллантириш керак. Шу муносабат билан, чамаси, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ва маҳаллий хўжалик тўғрисида Қонун тайёрлашга зудлик билан киришиш лозим, бу Қонун ҳуқуқий ва моддий-молиявий жиҳатлардан маҳаллий Советларни мустаҳкамлаган бўлур эди. Бу ўринда ёндашув битта бўлиши керак: жойларда ҳал этилиши мумкин бўлган ҳамма масалалар маҳаллий Совет қарамоғида бўлиши керак.

Ҳуқуқий ислоҳот Советларнинг фаолиятини демократиялаш билан чамбарчас боғланган.

Биз судларни қисқа муддатларда қайта тузишимиз мумкин. Ҳозир шу масалаларга оид тегишли ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ниҳоясига етказилмоқда.

Жиноят қонунларини қайта кўриб чиқиш, уларда жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўладиган ҳуқуқбузарликлар рўйхатини торайтириш ва озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чораларини кенгроқ кўламда қўллаш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Янги жиноят қонунларининг лойиҳаларини умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилиш назарда тутилмоқда. Айни вақтда иттифоқдош республикаларнинг жиноят-процессуал, ахлоқ тузатиш-меҳнат қонунлари ва жиноят кодекслари устида иш бошланади.

Адвокатурага ва дастлабки терговга келганда, шуни айтиш керакки, уларни такомиллаштиришга оид лойиҳалар ҳозир тайёрланмоқда ва яқин вақт ичида муҳокама учун тақдим этилади. Халқ хўжалигидаги юридик хизматга, арбитражнинг вазифаларини кенгайтиришга, шунингдек, мамлакатимиздаги ҳуқуқий умумий таълимни ташкил этишга тааллуқли ҳужжатларни йил охиригача тайёрлаб, қабул этиш имконияти бор.

Шундай қилиб, ўртоқлар, давлат қурилиши соҳасидаги кечиктириб бўлмайдиган ишларнинг қуйидаги тартиби навбат кутиб турибди.

Аввало, СССРда халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги СССР Қонуни лойиҳасини тайёрлаб, шу йилнинг октябрь ойи бошларида умумхалқ муҳокамасига қўйиш лозим.

Ноябрнинг иккинчи ярмида СССР Олий Советининг сессиясини чақириш, СССР Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар лойиҳасини ҳамда сайлов тўғрисидаги Қонун лойиҳасини унинг тасдиғига ҳавола қилиш таклиф этилади. Айни вақтда шу сессияда СССР халқ депутатлари сайловини 1989 йил мартида ўтказиш тўғрисида келишиб олиш мумкин бўлур эди. Сессияда ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ССРда суд тузилиши янги асослари лойиҳасини, СССРда судяларнинг статуси тўғрисидаги Қонун лойиҳасини кўриб чиқиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Ўртоқлар, агар сизлар қўллаб - қувватласангизлар, КПСС Марказий Комитети XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг қарорлари асосида давлат ҳокимияти ва одил судлов органларининг структураси ҳамда фаолиятини такомиллаштириш вазифалари тўғрисидаги масалани сессия муҳокамасига қонун чиқарувчилик ташаббуси тартибида киритсин, деб таклиф этилади.

СССР халқ депутатларининг 1989 йил апрелида бўладиган биринчи съездига киритилиши мумкин бўлган масалалар ҳақида ҳам шу заҳотиёқ гапирмоқ керак. Бу съезд СССР Олий Советини ва СССР Олий Советининг Раисини сайлаши лозим.

Сўнгра Олий Совет Раисининг тақдимига биноан Олий Совет Раисининг биринчи ўринбосари, шунингдек, Министрлар Советининг Раиси, Халқ контроли комитетининг раиси, Олий суднинг раиси тасдиқланиши мумкин, уларга мазкур органларнинг состави тўғрисидаги таклифларни СССР Олий Советига тақдим этиш топширилади. Айни вақтда халқ депутатлари съезди СССР Бош прокурорини, Бош давлат арбитрини тайинлаши ва Конституцион назорат комитетини тузиши мумкин бўлур эди.

Янги сайланган СССР Олий Советининг биринчи сессиясида СССР Министрлар Советини, ҳисоб берувчи бошқа органларни тузиш лозим бўлади. Партия конференциясида мамлакатдаги ёшлар ҳаракатини ривожлантиришга тааллуқли масалалар, касаба союзларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги, кўнгилли жамиятлар ҳақидаги, матбуот тўғрисидаги ва бошқа бир қанча масалалар жуда қизғин муҳокама қилинди. Бинобарин, ишни шундай йўлга солиб юбориш керакки, мамлакатнинг олий қонун чиқарувчи, бошқарувчи ва контрол қилувчи органи фаолияти дастлабки қадамларидан бошлабоқ мана шу энг муҳим сиёсий, қонун чиқарувчилик ва ҳуқуқий масалалар унинг ҳам диққат марказида бўлсин.

Ўртоқлар! Бизнинг давлатимиз кўп миллатли давлат эканлиги сиёсий ислоҳотга алоҳида характер, ўзига хос хислат ва хусусият бахш этади. Турмушда абадулабад ҳал этиб қўйилган муаммолар бўлмаслиги маълум. Бу гап, аввало, миллий муаммога тааллуқлидир.

Миллий муносабатларнинг ривожланиш характери бизнинг иттифоқ давлатимиз учун биринчи даражали аҳамиятга эга эканини, бизнинг Коммунистик партиямиз билан Совет давлатимиз учун миллий сиёсат — энг мураккаб сиёсат, лекин айни вақтда муҳим ва зарур сиёсат ҳам эканини исботлашга ҳожат бўлмаса керак. Шундай бўлиши ҳам қонуниятлидир, чунки бу сиёсатда ҳам иқтисодий, ҳам социал, ҳам маънавий муаммолар қаттиқ бир тугун бўлиб тугилади.

Маълумки, конференция миллий муносабатлар масалалари юзасидан Марказий Комитетнинг Пленумини ўтказиш тўғрисидаги Сиёсий бюронинг таклифини қўллаб-қувватлади. Бунга жиддий тайёргарлик кўриш, жамоатчиликни, илмий доираларни, республикаларнинг вакилларини кенг жалб этиш, ғоялар ва таклифларни тўплаш керак.

Шу муаммолар Сиёсий бюрода, СССР Олий Совети Президиумининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида бир неча бор муҳокама қилинганлиги таассуроти остида дастлабки тартибда нималар десам экан? Аввало, мамлакатнинг бир қанча регионларидаги миллатлараро муносабатларнинг ҳозирги чигаллашуви сабаблари ҳақида гапирмоқчиман.

Мамлакатимизни ташкил этувчи кўпдан кўп миллатлар ва элатларнинг ўзига хос социал-иқтисодий ва маънавий талаб-эҳтиёжларига кўп йиллар мобайнида эътиборсизлик билан қараб келинганлигининг оқибатлари мазкур сабаблар орасида, шубҳасиз, биринчи ўринда туради.

Раҳбар кадрларнинг фаолияти устидан омманинг етарли самарали контроли бўлмаганлиги, шунинг натижасида баъзи ходимлар топширилган иш учун масъулият туйғусидан маҳрум бўлиб қолганликлари, бунинг устига ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, одамларга менсимай қараш, уларнинг эҳтиёжлари ва манфаатларини писанд қилмаслик йўлига ўтиб олганликлари ҳам бошқа бир жуда муҳим сабабдир.

Яна бир сабаб ҳақида гапирмоқчиман. Бунда мен амалпараст гуруҳларнинг қайта қуришга жон-жаҳдлари билан қилаётган қаршилигини назарда тутаман. Очиғини айтганда, улар бир қанча жойларда табиий миллий ҳис-туйғуларни бузғунчилик-миллатчилик йўлига солиб юборишга муваффақ бўлдилар. Бу ҳам тасодифий ҳол эмас, албатта. Миллатчилик эҳтирослари қайта қуришга қарши бўлган барча кучлар учун манфаатлидир. Улар миллатлараро можароларни авж олдириб, афкор оммани чалғитмоқчи бўлиб, турғунлик йилларидаги ўз қилмишлари учун масъулиятдан қочиб қолишни кўзламоқдалар. Жуда катта интернационал тажрибага эга бўлган халқимиз Иттифоқимизнинг бирлигига, Ватанимиздаги барча миллат кишиларининг дўстлиги ва қардошлигига ҳеч кимнинг қасд қилишига йўл қўймаслигига аминман.

Шу масалалар хусусидаги совет қонунларини такомиллаштириш ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак. Жумладан, миллий адоватни кучайтирганлик учун, ирқий ёки миллий мумтозликни тарғиб қилганлик учун маъсулиятни кучайтириш лозим. Шу фикр СССР Конституциясининг 36-моддасидан бевосита келиб чиқади.

Биз она тилини, миллий маданиятларни ривожлантиришга, табиатни, тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилишга, ҳар бир миллат ва элатнинг ўзига хослигини, унинг совет маданияти муштарак хазинасига қўшган бетакрор ҳиссасини белгилайдиган ҳамма жиҳатларга бениҳоя эътиборли бўлишимиз кераклиги ҳақида гапиришнинг ҳожати ҳам йўқ.

Миллий хислатларнинг кўп қирралилиги ва ранг-баранглиги совет маданиятига хос хислатдир. Хуллас, ҳар қандай масала қаерда пайдо бўлишидан қатъи назар, биз уни Умумиттифоқ турмуши ўзаро алоқадорлиги нуқтаи назаридан баҳолашимиз, партия ва умумдавлат кенг позициясида туриб муҳокама қилишимиз лозим.

Хўш, ҳозир биринчи галда нималар қилиш керак? Иттифоқимизни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш соҳасидаги кенг кўламли чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширишни диққат марказида тутишимиз керак.

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ҳуқуқ доирасини аниқ белгилаб қўйишга, бир қанча бошқарув вазифаларини республикаларга беришга доир таклифларни тайёрлаш керак. Республикалар ва регионларнинг хўжалик ҳисоби принципларига ўтиши эҳтимолининг, улар ўртасидаги бевосита алоқаларни ривожлантириб, Умумиттифоқ программаларини ҳал этишга қўшадиган ҳиссасини аниқ-равшан конкретлаштириб қўйишнинг энг мақбул вариантларини белгилаш зарур.

Айни вақтда иттифоқдош ва автоном республикалар, автоном областлар ва округлар ҳақидаги Қонунларни янгилашга киришиш лозим. Бунда гап ўзларининг давлат-территориал тузилмаларидан ташқарида яшаб турган ёки шундай тузилмаларга эга бўлмаган миллатларнинг миллий-маданий талаб-эҳтиёжларини рўёбга чиқаришда ҳуқуқий кафолатларни кенгайтириш тўғрисида ҳам бормоқда.

СССР Олий Совети Миллатлар Советининг янги вазифаларини, зарурат туғилган тақдирда барча поғоналардаги Советларда миллатлараро муносабат масалалари билан шуғулланувчи доимий комиссияларни тузиш тартибини аниқ белгилаб қўйиш лозим.

Тил соҳасидаги сиёсат муаммолари, айниқса, ўткирлигини эътиборга олиб, чамаси, СССР халқлари тилларининг эркин ривожланиши ва улардан тенг ҳуқуқли фойдаланиш тўғрисидаги Иттифоқ Қонуни лойиҳасини тайёрлаб, кенг муҳокамага қўйиш жоиздир.

Ҳозир биз Коммунистик партияга мансублик миллатчилик ва шовинизм билан чиқиша олмаслигини ҳам яна бир бор тасдиқлашимиз керак, В. И. Ленин ўзининг руҳига, ўзининг программасига ва миллий таркибига кўра, интернационал бўлган большевиклар партиясини тузган эди. Бас, шундай экан, шовинизм ёки миллатчилик позициясига ўтган коммунистни асло оқлаб бўлмайди. Аслида бу партиянинг энг муҳим сиёсий принципларидан биридан чекинишдир. Буни ҳар бир коммунист ёдда тутиши керак.

II.

Ўртоқлар! Сизларга маълумки, конференцияда озиқ-овқат, уй-жой, аҳолини моллар ва хизматлар билан таъминлаш каби муаммоларнинг муҳокамаси жуда кескин тус олди. Делегатлар жуда қатъий фикрларни айтишди. Бунинг сабаби равшан. Чунки халқнинг фаровонлик даражасини белгилайдиган энг муҳим масалаларнинг ечими жуда кечикиб кетди, бу соҳадаги қолоқлик эса сурункали тус олди.

Аввало, озиқ-овқат масаласига тўхталаман. Сиёсий бюронинг фикрича, бу соҳада ҳам жорий, ҳам истиқбол характеридаги шошилинч ва туб чора-тадбирлар керак.

Волгабўйи, Урал, Сибирь ва Қозоғистоннинг кўпгина районларида қурғоқчилик рўй берган бу йилги конкрет вазиятда мазкур чора-тадбирлар озиқ-овқат билан таъминлаш даражасини сақлаб қолиш билангина чекланмасдан, уни яхшилашга ҳам эришишга қаратилган. Масалани бу тарзда қўйиш зарур бўлибгина қолмай, реал ҳамдир. Биринчидан, кейинги ҳафталарда аҳвол бирмунча тузалди. Иккинчидан эса, ҳозир жойлардаги иш етиштирилган ҳосилни тўла-тўкис йиғиб олиб, сақлаб қолишга, ундан оқилона фойдаланишга қаратилган, энг муҳими ҳам мана шу. Бу ўринда мен озиқ-овқат экинларини ҳам, озуқа экинларини ҳам назарда тутаяпман.

Таъбир жоиз бўлса, бу йилги бутун ишнинг оғирлик маркази деб мана шуни кўрсатган бўлур эдим. Келгусида қиладиган ишларимиз кўп. Уларни уюшқоқлик билан бажариш керак. Вужудга келган вазиятни қишлоқ меҳнатчиларигина эмас, шаҳарларнинг меҳнаткашлари ҳам яхши тушуниб турибдилар, деб ўйлайман ва улар озиқ-овқат жабҳасидаги аҳвол ёмонлашувига йўл қўймаслик учун амалда ҳамма ишни қилаётганликларини кўриб турибмиз. Ниҳоят, зарурат туғилган тақдирда биз мамлакатнинг озиқ-овқат ресурсларини тўлдириш учун ташқи манбалардан ҳам фойдаланамиз.

Мана шу ишларнинг ҳаммасини сабот ва изчиллик билан ўтказиб, амалий масалаларни қадам-бақадам ҳал этиш керак. Афтидан, озиқ-овқат масаласи — туб социал-сиёсий масала эканини ва бу соҳада унинг принципиал муҳимлигини ҳар қандай англамасликка йўл қўймаслик кераклигини яна бир таъкидлаб ўтиш даркор.

Энди озиқ-овқат муаммосини ҳал этишдаги истиқбол вазифалари ҳақида. Сиёсий бюронинг бу хусусдаги мулоҳазалари сизларга тақдим этилган. Бу мулоҳазаларнинг моҳияти нимадан иборат?

Биринчидан. Бу масалаларни пухта ўрганиб чиқишдан маълум бўлишича, аҳоли жон бошига истеъмол қилишнинг нон-булка, макарон ва кондитер маҳсулотлари, ёрмалар, картошка ва сабзавот, ўсимлик ёғи ва сариёғ, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари, тухум ва парранда гўшти каби асосий маҳсулотлар соҳасида Озиқ-овқат программасида ва оқилона овқатланиш нормаларида кўзда тутилган даражасига шу беш йилликнинг охиригача етиб олишнинг реал имкониятлари бор. Гўшт ва мевалар соҳасида ҳозирги беш йилликда бунга эриша олмаймиз. Аммо бу соҳада ҳам аҳволни жиддий равишда тузатиб олиш мумкин.

Бу хулосалар масалаларнинг бутун комплексини иттифоқдош ва автоном республикалар, ўлкалар ва областлар билан дастлабки тарзда ўрганишга таянади. Сизларга тарқатилган таклифларда айтилган ҳамма гапни такрорламоқчи эмасман. Аммо баъзи бир энг муҳим рақамларни айтиб ўтишни зарур деб ҳисоблайман. Жумладан, гап 1990 йилда беш йиллик топшириқларига нисбатан чорва ва парранда харид қилишни 2,5 миллион тонна, сутни 4,3 миллион тонна кўпайтириш ҳақида бормоқда.

Шу билан бирга, мана шу маҳсулотнинг ҳаммаси пландан ташқари маҳсулот сифатида республикалар, ўлка ва областлар ихтиёрида қолдирилишини таъкидламоқ керак. Ўсишнинг белгиланган суръатларини таъминлаш — ақл ишлатиб, сабот билан меҳнат қилишни талаб этадиган мураккаб вазифа, албатта. Аммо бу вазифани ҳал этишдан ҳамманинг манфаатдорлиги ҳам равшан.

Бизнинг энг катта резервимиз нобудгарчиликка қарши, ҳосилни ва фермалар маҳсулотини тўла-тўкис сақлаб қолиш ҳамда юқори сифатли қайта ишлаш учун курашдан иборат. Бу — яқин вақт ичидаёқ озиқ-овқат таъминотини яхшилашга олиб борадиган энг қисқа йўлдир. Шу масаланинг ҳал этилиши бизга озиқ-овқат ресурсларини камида 15—20 процент кўпайтиришга ёрдам беради. Бунинг учун вақт ҳам, чиқим ҳам ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш учун керак бўлганидан кўра анча камроқ талаб қилинади. Нобудгарчиликни тугатишга ва қайта ишлашга сарфланадиган маблағ энг манфаатли ва энг самарали маблағдир. Бу проблемани ҳал этишга бутун жамият бош қўшмоғи керак.

Иккинчидан. Шундай вазият вужудга келдики, кейинги беш йилликларда биз қишлоқ хўжалигига жуда катта маблағ сарфладик, аммо бундан озгина самара олдик.

Кейинги 17 йил мобайнида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга 680 миллиард сўм капитал маблағ сарфланди, ўртоқлар. Тармоқнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари ўртача қиймати 1986—1987 йилларда 1971—1975 йилларга қараганда 2,7 баравар, меҳнатнинг машина-механизмлар билан таъминланиши 2 баравар, фондлар билан таъминланиши эса 3 баравардан ҳам кўп эди. Бултур минерал ўғит етказиб бериш 1970 йилга нисбатан 2,6 баравар кўпайиб, ҳар гектар экинзор ҳисобига 122 килограммга етди. Қишлоқ хўжалигига бундан бошқа ҳам кўп нарсалар берилди. Бироқ шу 17 йил мобайнида унинг ялпи маҳсулоти ҳажми атиги 25 процент кўпайди. Дон етиштириш атиги 16 процент, пахта — 6 процент, қанд лавлаги — 12 процент кўпайди, картошка ҳосили эса ҳатто 9 процент камайди.

Айрим регионларда вазият бундан ҳам мушкул. Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистоннинг қишлоқ хўжалигига сарфланган капитал маблағнинг самараси жуда паст. Псков ва Новгород областларида эса 17 йил мобайнида фонд билан таъминланиш 3—4 баравар кўпайган бўлса ҳам, ялпи маҳсулот етиштириш 12—25 процент камайиб кетди. Бунда гап тарихан бир талай қийинчиликлар вужудга келган Ноқоратупроқ ўлканинг ноқулай шароитларидагина эмас. Кировоград, Чернигов, Винница областларини олиб кўрайлик. Бу жойларда фондлар 2 — 2,5 баравар кўпайган бўлса-да, ялпи маҳсулот аслида ошмади. Бунинг устига мазкур областларда қанд лавлаги, кунгабоқар, картошканинг ялпи ҳосили пасайиб кетди, гўшт ва сут етиштириш оз миқдорда кўпайди.

Мамлакат қишлоқ хўжалигида рўй бераётган ташвишли жараёнлар бизга тинчлик бермаяпти. Хўш, бу ҳолларнинг сабаблари нима? Ўртоқлар, бу саволга шундай жавоб берилиши керакки, бу жавоб муаммонинг моҳиятини очиб берадиган бўлсин.

Албатта, ҳар бир регионда, ҳатто ҳар бир хўжаликда ҳам ўзининг конкрет муаммолари ва уларнинг конкрет сабаблари бор. Аммо қишлоқ хўжалигига, аграр секторга сарфланаётган капитал маблағ муносиб наф бермаётганлигининг, улардан самарасиз фойдаланилаётганлигининг, кўп ҳолларда эса бу капитал маблағлар ҳатто ҳаракатсиз ётганлигининг энг катта сабаби бор. Бу сабаб қишлоқнинг моддий базасини мустаҳкамлаш соҳасидаги амалий тадбирлар айни вақтда қишлоқдаги иқтисодий муносабатларни ўзгартириш соҳасидаги тегишли иш билан мустаҳкамланмади.

Ўртоқлар, биз бугун Марказий Комитет Пленумида шуни жуда аниқ-равшан қилиб айтишимиз керак, чунки гап аграр сиёсатнинг бош йўналишини ишлаб чиқиш ва шу билан боғлиқ бўлган амалий ҳаракатлар ҳақида бормоқда.

Келинглар, ниҳоят шуни рўй-рост айтайлик, ҳамон кадрларимизнинг, қишлоқ раҳбарларининг кўпчилиги маҳсулот етиштиришни янада кўпайтиришни, аввало, қўшимча инвестициялар билан, янги ресурслар етказиб бериш ва шу кабилар билан боғлиқ деб билмоқдалар. Бундан бошқа йўлни кўрмаяптилар. Ҳолбуки бизда айни бир шароитларда ва аслида ресурслар билан айнан бир хил таъминланган шароитда ажойиб ишлаб чиқариш ва иқтисодий натижаларга эришаётган юзлаб, минглаб колхоз ва совхозларимиз бор-ку, ахир.

Оилавий пудрат ва ижара шартномаси асосида ишлаётган кишилар нималар қилаётганликларига бир қаранг. Улар айнан бир хил ва ҳатто ёмонроқ моддий базада ҳам беқиёс, юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Шу бугун «Сельская жизнь» газетасида Ставрополь ўлкасининг ижарачилари иши тўғрисидаги хабарни ўқиб қолдим. Унда гап Георгий районидаги «Балковский» совхози ҳақида боради. Мен бу совхозни биламан. У — одамлар узлуксиз етишмайдиган, қийин аҳволдаги хўжалик. Ижара усулидан фойдаланиш туфайли иш ўнглаб олинибди. Маълум бўлишича, техника оз бўлса ҳам яхшироқ натижаларга эришиш мумкин экан. Илгари олинмаган миқдорда ҳосил олинмоқда. Одамларнинг ишга муносабати ўзгармоқда — энг муҳими мана шу. Совхоз директорининг ҳисоблашича, агар ижара муносабатлари ривожлана борадиган бўлса, ҳозир ҳосил ўримида банд бўлган 90 механизатор ўрнига атиги 50 механизатор керак бўлар экан. Демак, ҳозир кўпдан-кўп муҳокамага сабаб бўлаётган кадрлар муаммоси ҳам ҳал бўлаяпти.

Ижара муносабатлари ҳақида кўп гапирилди ва кўп ёзилди, бу хусусда энди фактлар ҳам етарли. Бундай тажриба ҳозир мамлакатнинг барча регионларида, ҳамма зоналарида, аграр секторнинг барча тармоқларида бор. Ҳамма жойда у наф келтирмоқда.

Шу тажриба одамларнинг меҳнатга муносабатини ўзгартириш — муваффақиятнинг калити эканидан дарак бермайдими, ахир? Қишлоқдаги иқтисодий муносабатларни тубдан ўзгартирган тақдирдагина бунга эришиш мумкин. Бизнинг вазифамиз бу муносабатларни шу тарзда қайта қуришдан иборатдирки, деҳқон ҳақиқатан ҳам ернинг хўжайини бўлиб қолсин ва ўз кучи, билими, қобилиятини чинакамига ишга солсин.

Ўзгартишларнинг моҳияти шундан иборатки, социалистик мулкни рўёбга чиқаришнинг жуда турли шаклларидан амалда фойдаланиладиган бўлсин. Биз бу вазифани ҳамма жойда ва кенг миқёсда тўла хўжалик ҳисобини ҳамда ўз харажатларини ўзи қоплашни, пудрат ва ижарани жорий этиш, шу муносабат билан колхоз ва совхозлардаги ички ишлаб чиқариш алоқаларини ўзгартириш, кооперациянинг турли шаклларини ривожлантириш, ерни узоқ муддатга ижарага олиш шароитида ишловчи оилавий фермаларни ва бошқа ишлаб чиқаришларни вужудга келтириш, агросаноат комбинатлари, агрофирмаларни ривожлантириш ҳамда шахсий ёрдамчи хўжаликни ҳар томонлама рағбатлантириш асосида ҳал қила оламиз.

Қисқа қилиб айтганда, биз маҳсулот етиштирувчиларнинг мустақиллиги ва масъулиятига кенг йўл очиб беришимиз, қишлоқ хўжалик бозорини ҳар томонлама ривожлантиришимиз керак.

Ишлаб чиқариш воситалари хўжалик билан шартнома асосида узоқ вақтгача деҳқоннинг ихтиёрида фойдаланиш учун қолдирилиши ҳеч кимни ажаблантирмай қўя қолсин. Бунда ҳеч бир носоциалистик нарса йўқ. Бу — социализмнинг худди ўзидир, чунки у инсонни биринчи ўринга чиқаради. Социализм инсоннинг ишлаб чиқариш воситаларидан, сиёсатдан, маданият ютуқларидан бегоналашувига биринчи галда чек қўйиши лозим.

Хўжалик ҳисобини колхоз ёки совхозда жорий этиш билангина чекланиш ярамайди. Ижара орқали уни янада ривожлантириш лозим. Инсонга хўжайинлик истеъдодини намоён этиш, ерда ўзи билганча ишлаш имкониятини бериш керак, бу ишни қандай қилиш кераклигини у сиз билан биздан кўра яхшироқ билади. Бу нарса сизларни ажаблантирмай қўя қолсин. Бу йўлда биз мағлубиятга учрамаймиз, балки, аксинча, ғалаба қозонамиз. Қишлоқ хўжалигини юритишнинг пудрат ва айниқса, ижара усуллари мамлакат бўйлаб кенг ёйилиб бориши зарур.

Бу масалалар ҳозир биз учун ва қишлоқдаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришнинг келгусидаги барча босқичлари учун ғоят муҳим бўлганлиги сабабли, чамаси, қўшимча равишда яна баъзи гапларни айтиб ўтишим керак. Область ва ўлка партия ташкилотларининг раҳбарлари билан суҳбатлардан, жойлардаги аҳволни ўрганишдан шу нарса аниқланмоқдаки, бу ишнинг илҳомчиси бўлиши керак бўлган кишиларнинг ҳаммаси ҳам масаланинг моҳияти ҳақида аниқ тасаввурга эга эмас.

1983 йилдан буён биз колхоз ва совхозларнинг бўлинмаларини пировард натижага қараб меҳнат ҳақи тўланадиган коллектив пудратнинг турли усулларига ўтказиш соҳасидаги ишни кенг миқёсда олиб бораяпмиз. Бу — хўжалик юритишнинг самарали йўли эканлигини турмуш кўрсатди.

Бироқ шу билан бирга, боя айтиб ўтганимдек, хўжалик юритишнинг ижарачиларнинг тўла хўжалик мустақиллиги билан ерни ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларини узоқ муддат фойдаланиш учун ижарага бериш асосига қуриладиган усуллари ҳозир энг асосий усул эканини ҳам тажриба кўрсатиб берди. Дарвоқе, мамлакатимизда ижара усули 30-йилларнинг ўрталаригача кенг қўлланилган, сўнгра уни бекор қилишди. Ижара усулида инсон ернинг ҳақиқий хўжайини бўлиб қолади ва ўзи ижарага олган ер ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан имкони борича самарали фойдаланилишидан ва улар энг кўп наф беришидан манфаатдор бўлади.

Саноатда нималар бўлаётганига бир назар ташланг, ўртоқлар. Ёмон ишлаётган цехлар, заводлар одамларга ижарага берилмоқда. Бу одамлар биринчи галда ишловчиларнинг учдан бирини қисқартирмоқдалар, раҳбарларни 2—3 баравар камайтирмоқдалар, иш билан чинакамига шуғулланмоқдалар ва етти-саккиз ой, кўпи билан бир йил ичида корхонани кўтармоқдалар. Ишчиларимиз эса давлат манфаатларини кўзлаб фикр юритмоқдалар. Улар юлғичликни асло кўзламайдилар. Улар иш ҳақинигина эмас, айни вақтда ишлаб чиқаришни, кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш, корхонанинг техникавий даражасини ошириш учун ишлаб чиқариш фондларини қандай қилиб вужудга келтиришни ҳам ўйламоқдалар. Бундай муносабатнинг ҳеч бир ажабланадиган жойи йўқ: у ўзимизнинг совет кишимиз, у совет даврида туғилган, Совет ҳокимиятининг тарбиясини олган-ку, ахир!

Ижара муносабатлари социалистик мулкнинг имкониятларини янада тўла-тўкис рўёбга чиқариш имконини беради, жамиятнинг манфаатлари ҳам, серунум ва самарали ишлаш омиллари ҳам шу муносабатлар ёрдамида таъминланади. Такрор айтаман, инсон моддий рағбатлантириш омилларинигина кўзламайди. Инсон ўз имкониятларини амалда намоён этиш, рўёбга чиқариш, ўзининг ижодий потенциалини намоён қилиш, ўзини кўрсатиш имкониятини олади. Бу эса унга зўр қаноатланиш туйғусини бахш этади.

Умуман, биз чуқур ўзгартишларга асос солдик, мана шу ўзгартишлар изчиллик билан амалга оширилиб, ўз самараларини бериши учун зўр бериб, ҳар томонлама ва билиб-билиб ишлаш, қишлоқда юзага келаётган иқтисодий муносабатларнинг моҳиятини англаш, тушуниш керак.

Чамаси, биз ижара тўғрисида махсус Қонун қабул қилишимиз керакка ўхшайди. Нега шундай қилиш керак? Чунки, бизда иш олға силжиши учун ўзлари ҳеч нарса қилмайдиган, аммо бошқаларнинг ташаббуси, фикри ва хўжалик соҳасидаги қизиқишини намоён этишига зўр бериб халақит берадиган ходимлар турли поғоналарда ҳали ҳам кўп.

Айни Қонун барча хоҳловчиларга янги шароитда ишлаш имкониятини гарантиялаб бериши, уларга давлат ҳимоясига ишонч бахш этиши керак. Бунда ижара, чамаси, узоқ муддатли бўлиши ва, айтайлик, 25—30 йилга ва ҳатто 50 йилга берилиши лозим. Умуман масала шу тарзда қўйилиши керакки, одамларнинг ижара шароитда ишлашига йўл бермасликка ҳеч кимнинг ҳаққи бўлмасин.

Самарасиз хўжаликларни тугатиш, уларнинг ерларини, бошқа ишлаб чиқариш воситаларини юксак самарали даражада хўжалик юритилишини таъминлай оладиган колхозларга, совхозларга, саноат корхоналарига, коллектив ёки якка ижарачиларга конкурс асосида бериш йўлидан дадил бораверш керак. Чамаси, ердан фойдаланиш тўғрисида янги Қонун ҳам қабул этилиши лозим.

Модомики, ҳозир иш колхоз ва совхозлар раҳбарлари ҳамда мутахассисларининг, бошқа поғоналардаги раҳбар ходимларнинг қолоқ позициясига очиқдан-очиқ бориб тақалаётган экан, ишчанлик муҳитини ва шу тўсиқлар олиб ташланадиган зарур шароитни вужудга келтиришни партия комитетларининг энг биринчи вазифаси деб биламиз. Партия ташкилотларининг салмоқли мафкуравий ва ташкилотчилик ишисиз, касаба союзлари билан комсомолнинг ёрдамисиз бу ишни юриштириб бўлмайди.

Келинг, ўртоқлар, бугунги Пленумда келишиб олайлик: биз бундан буён ана шу масалалар теварагидаги сафсатабозликка тоқат қилмаймиз. Қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларининг янги шакллари, қишлоқ хўжалик меҳнатини ташкил этиш ва уни рағбатлантиришга янгича ёндашувларнинг самарадорлигини турмуш ҳамма жойда исботлади. Бинобарин, уларни ҳамма жойда қўлланиш йўлидаги барча ғовларни олиб ташлаш керак. Бу — умумхалқ вазифасидир. Шу вазифани ҳал этиш шунчаки бир истак бўлмай, балки қайта қуриш босқичида тараққиётимиз мантиқининг ўзи тақозо қилаётган талабдир.

Биз қишлоқда иқтисодий муносабатларни ўзгартиришни қатъиян қўллаб-қувватлаб фикр билдирар эканмиз, бу иш ғоят катта масъулиятни талаб этишини дарҳол таъкидлаб ўтишимиз керак. Ўтмиш тарихимиз сабоқларини уқиб олиб, ҳар қандай чегарадан чиқишларга йўл қўймаслик лозим. Бу муҳим ишда сусткашликка ҳам, сунъий жадаллаштириш, шошма-шошарликка ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Энг муҳими эса мана шу масалаларни ҳал этишда турмушнинг ўзидан келиб чиқиш, соғлом фикрга амал қилиш, одамлар билан маслаҳатлашиш ва биз ҳозирдаёқ эга бўлган жуда катта тажрибадан фойдаланиш керак.

Яна бир нарса ҳақида. Бунда ҳам гап хўжаликлараро муносабатларни ва бошқарувни тубдан қайта қуриш ҳақида боряпти. Модомики, биз агросаноат комплекси бошқарувининг ҳозирги системаси унча самара бермаганлигини ва умрини яшаб бўлаётганини эътироф этар эканмиз, унга ёпишиб олишнинг ҳам ҳожати йўқ. Биз колхозлар ва совхозларнинг РАПО ўрнига қўшма бошқарув органларини ихтиёрий равишда тузишга, хўжаликларга ишлаб чиқариш техника ва иқтисодий хизмат кўрсатиш кооператив формаларига кенг миқёсда ўтишимиз лозим. Бунда ана шу принципларни агросаноат комплекси бошқарувининг анча юқори даражаларига ҳам ёйса арзийди. Агросаноат комплекси бошқарувини қайта ташкил этишни пайсалга солмаслик керак. Юқоридан буйруқ берилаётган барча каналлар ёки ришталарни узил-кесил қирқиб ташлаш лозим.

Мен «Советская Россия» газетасида Горький области колхоз раисларидан бир группасининг хатини ўқидим. Улар колхозлар юқори бошқарув аппаратининг ҳаммасини ўз даромадлари ҳисобидан таъминлаб, унга қилинадиган харажатлар учун соф даромаднинг 15 процентини ва амортизация маблағининг 10 процентини ажратиб туришга мажбурдирлар, деб шикоят қиладилар. Шу ҳам иш бўлдими? Бундай аппаратнинг кимга кераги бор? Энг муҳими эса ўша В. А. Стародубцев ва хўжаликларнинг бошқа раҳбарлари мазкур аппаратни бир неча баравар қисқартириш мумкин ва лозимлигини исботлаб бердилар.

Ниҳоят, ўртоқлар, ўзларингизга маълумки, конференция делегатлари бошқа соҳаларга капитал маблағни чеклаб, қишлоқни социал ривожлантириш учун зарур маблағ ажратиш кераклигини қатъий қилиб айтдилар. Аслида бизга қишлоқда уй-жой, мактаблар, касалхоналар, йўллар ва коммунал-хўжалик, маиший хизмат, алоқа, савдо объектлари — хуллас, ҳозирги замонда инсон яшаши ва нормал меҳнат қилиши учун зарур бўлган жамики нарсаларни барпо этиш умуммиллий программаси даркор. Қишлоқни социал жиҳатдан ободонлаштириш суръатларини ҳозирнинг ўзидаёқ кучайтириб бориш керак. Ҳозир кўпгина областлар ва республикаларда шундай қилинмоқда. Ўз ўзидан равшанки, ўн учинчи беш йиллик капитал маблағларининг қай тарзда сарфланишини шу мақсадда қатъиян ўзгартириш зарур. План органларига ва ҳукуматга бериладиган бизнинг сиёсий йўл-йўриғимиз мана шундай.

Яна бир гап бор, ўртоқлар. Куни кеча мен В. П. Демиденко билан суҳбатлашдим. Кустанай областида аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасидаги вазият жойидан силжиб, ўзгарганлигининг боиси нимада? Колхоз ва совхозлар ҳал қилувчи ҳисса қўшишди, албатта. Лекин шартнома асосларида, янги омиллар асосида шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг жалб этилиши ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Бундай хўжаликларда ҳар юз хонадонга 250 бош қорамол тўғри келмоқда.

Аммо буларнинг ҳаммаси аҳоли билан ишлашни талаб этади, ем-хашак базасининг замини бўлишини тақозо қилади, ўртоқлар. Ўшандагина мана шундай имкониятлар очилади. Белоруссияда, Болтиқбўйи республикаларида шахсий хўжаликларни шартнома асосларида колхоз ва совхозлар билан уйғунлаштиришнинг яхши тажрибаси орттирилган. Бу ҳам социализмнинг ўзгинасидир! Наҳотки бу кимгадир шу пайтгача тушунарли бўлмаса?

Умуман, ўртоқлар, мен баён этган муаммоларнинг бутун комплексига қайтиб, биз бугунги Пленумда бутун мамлакат учун озиқ-овқат масаласини ҳал этишга қандай ёндашиш кераклигига реалистик сиёсий йўл-йўриқни таърифлаб беришга яқинлашиб келдик. Мана шу масалалар хусусида фикр-мулоҳазаларингизни билдиришингизни сўрайман.

Энди аҳоли учун товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни жадал ўстириш хусусидаги таклифлар тўғрисида. Бундаги бош йўл равшан. Бу қисқа муддатлар ичида халқ истеъмоли молларининг қудратли индустриясини яратишдир. Енгил саноатга доир тегишли қарорлар ҳозирдаёқ қабул қилинди, зотан уларни тезроқ амалга ошириб, бунга халқ учун мол ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан барча меҳнат коллективларининг манфаатдорлигини таъминловчи зарур иқтисодий механизмни жорий этиш керак.

Ҳозир гап енгил ва озиқ-овқат саноатининг кўпгина корхоналарини четдан олинган машина-ускуналар ҳисобига модернизациялашни жадаллаштиришга қаратилган қўшимча тадбирлар тўғрисида, шунингдек истеъмол молларини ишлаб чиқаришда оғир саноат ва мудофаа тармоқларининг яна ҳам кенгроқ кўламда иштирок этиши ҳақида боряпти. Пулли хизмат соҳасини анча жадаллаштириш кўзда тутилади.

Мазкур масалалар министрликлар ва идораларнинг, республика ҳамда маҳаллий органларнинг иштироки билан пухта ишлаб чиқилганлиги шуни кўрсатдики, 1989—1990 йилларда халқ истеъмол қиладиган ноозиқ-овқат моллар ишлаб чиқаришни беш йиллик план топшириқларига қўшимча равишда 24 миллиард сўмлик, шу жумладан 1989 йилда 9 миллиард сўмлик ва 1990 йилда 15 миллиард сўмлик кўпайтириш учун реал имконият бор.

Аҳолига пулли хизмат соҳасини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги таклифлар ҳам сизларга тақдим этилган. Шуни таъкидлаш муҳимки, бундай хизматлар ҳажми шу беш йилликнинг ўзидаёқ комплекс программада белгиланганига нисбатан йилига 15—20 процентдан ортиб боради. 1990 йилда бу ҳажм 70 миллиард сўмликдан кўпни ташкил этади, ўн учинчи беш йиллик охирига бориб эса у 1,6 баравар кўпайиб, 119 миллиард сўмликдан ошиб кетади.

Булар кенг миқёсли тадбирлар бўлиб, марказда ҳам, жойларда ҳам тегишли иш қилинишини талаб этади. Аммо биз халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ва пулли хизматни кўпайтириш вазифасини ҳал эта бориб, бутун тақсимот системасини такомиллаштириш билан ва аввало савдо ҳамда умумий овқатланиш билан астойдил шуғулланишимиз керак.

Бу ҳақда шунинг учун гапираяпманки, меҳнаткашларнинг фаровонлиги, уларнинг маънавий-сиёсий кайфияти ишлаб чиқарилаётган моддий неъматлар ҳамда кўрсатилаётган хизматнинг миқдори ва сифатигагина эмас (буларнинг ўзи ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга албатта), шу билан бирга биз уларни қандай тасарруф этишимизга, савдо ва хизмат соҳаси қандай ташкил қилинганига ҳам боғлиқ бўлади.

Бу соҳадаги кўпгина камчиликлар қолоқлик билан, кўпгина ҳолларда эса уларнинг моддий базаси ночор бўлиб қолгани билан боғлиқки, ана шу моддий база бутун чоралар билан кенгайтирилиши ва замонавий техника даражасига кўтарилиши зарур. Шундай таклифлар ишлаб чиқилган ва сизларнинг муҳокамангизга тақдим этилган.

(Давоми учинчи бетда).

М. С. ГОРБАЧЕВ доклади

(Давоми. Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

Аммо биз бу соҳада ҳаддан ташқари чуқур илдиз отган носоғлом ҳодисалар ва жараёнларга қарши қатъий кураш эълон қилиб, дарҳол кўп иш, жуда кўп иш қилишимиз мумкин ва лозим, ўртоқлар. Масалан, мамлакатда етарли бўлган товарлар билан савдо қилишда узилишларга йўл қўймаслик ҳақида гап боряпти. Доимо гоҳ у, гоҳ бу жойда туз, қанд-шакар, ун ва етарли миқдорда бўлган кўпгина шунга ўхшаш нарсалар савдодан ғойиб бўлаётгани тўғрисидаги ахборотни олганингда беихтиёр баъзи бир кимсалар тақчилликни сақлаб қолишдан манфаатдор ёки ҳеч бўлмаганда одамлар олдидаги масъулият туйғусидан батамом маҳрум бўлишган, деган фикрга келасан. Мана шу масалаларнинг ҳаммасини партия ва совет органларининг назорати остига, меҳнаткашларнинг назорати остига олиш керак.

Ёхуд навбат кутиб туриш каби кенг тарқалган ҳодисани олиб кўринг. Ҳамма жойда — савдода, хизмат соҳасида, транспортда, коммунал хўжалик корхоналарида, соғлиқни сақлаш соҳасида, меҳнаткашларнинг бирон-бир илтимосини ҳал этиш билан алоқадор ташкилотлар, муассасаларда ҳам навбат кутиб турилади. Бу муаммо шу қадар ўткир тус олдики, биз у билан қаттиқ шуғулланишимиз ва бу борада тегишли тартиб ўрнатишимиз керак. Кўпгина раҳбар ходимлар навбатда турганларга лоқайдлик билан назар ташлаб, навбат кутиб туришларни тугатиш учун бирон нарса қилиш керак, деб ҳисобламаётганликлари ярамас бир ҳолдир. Ваҳолонки, бу одамларга нисбатан беҳурматликдан, бағритошликдан бошқа нарса эмас.

Биз яқинда ўртоқ Л. Н. Зайков билан бирга Москвадаги «Заря» саноат-савдо пойабзал бирлашмасининг иккита фабрикасида бўлдик. У ерда бўлиш яхши таассурот қолдирди. Одамларнинг фикр юритиши, иш тутиши, чинакам давлат масалаларини муҳокама қилишдан ниҳоятда мамнун бўлдим.

Ўшанда бир ишчи аёл билан суҳбатлашиб қолдим. У ҳам, эри ҳам яхши маош олишаркан. Икки фарзандлари бор. Ҳамма нарса жойида — квартира, иш ҳақи бадастирдек эди. Хўш, уни нима безовта қиляпти? У шундай жавоб қайтарди: «Михаил Сергеевич, ҳар куни магазинларда икки, ҳатто уч соатлаб туриб қолишга тўғри келмоқда. Бу одамнинг тинкасини қуритади. Ишда ҳам навбатда турганчалик чарчамайман».

Ўртоқлар, ахир бу Москвада, ҳамма нарсани ҳар ҳолда харид қилиш мумкин бўлган жойда рўй беряпти. Ҳатто шу ерда ҳам сон-саноқсиз навбатларда туришга тўғри келмоқда. Айни бир магазиннинг ўзида аввал бир касса олдида, кейин иккинчи касса олдида, сўнгра эса пештахта олдида туриш керак. Одамлар ишдан кейин савдодаги нарсаларни харид қилиш учун соатлаб навбатда туришади. Шу ҳам иш бўлдими?

Бу масалаларнинг ҳаммаси Советларга таалуқли масалалардир, ўртоқлар. Агар совет раҳбари буни кўрмаётган, одамларнинг кайфияти қандайлигини билмаётган экан, биз уни раҳбарлик лавозимида бекорга ушлаб турган эканмиз.

Яна бир марта шуни айтмоқчиманки, ўртоқлар, биз мана шу ўткир муаммоларни ҳал этиш билан дарҳол ва амалий равишда шуғулланишимиз лозим. Бунда савдо-сотиқ ва маиший хизмат корхоналарини жойлаштириш, уларни моддий-техника жиҳатидан жиҳозлашни яхшилаш зарурлиги билан боғлиқ масалалар ҳам бор, албатта. Бу борада катта қолоқликка йўл қўйилган.

Бу масалани ҳал этишга қандай ёндашиш керак?

Савдо ва маиший хизмат муассасалари қурилиши учун пул ҳамда пудрат сўраш — ҳар бир кишининг фикрига келадиган биринчи нарсадир. Чамаси, буни ҳам бизнинг планларимизда эътиборга олиш керак. Ушбу соҳа орқада қолаётганлиги сабабли мазкур масала хусусидаги қароримиз лойиҳасида ҳам янги қурилишни кенгайтириш кўзда тутилган. Аммо биз фақат шу йўлдангина борганимизда муаммоларни, айниқса кечиктириб бўлмайдиган муаммоларни ҳал этиш кўп йилларга чўзилиб кетган бўлур эди. Биз эса яқин вақт ичида ишни ўнглаб олишга ҳаракат қилиш имкониятини топишимиз керак.

Ҳозир Марказий Комитет ва ҳукуматга савдо ва маиший хизмат соҳаларини кенгайтириш учун у ёки бу бинолардан фойдаланиш хусусидаги илтимослар келиб турибди. Биз буни қатъиян қўллаб-қувватлаймиз. Бунинг устига Сиёсий бюро ва ҳукумат бу хусусда якдил фикр билдирди. Биз турли хўжалик муассасалари, шунингдек партия ва давлат муассасаларининг барпо этилаётган маъмурий биноларини уларга ниҳоятда муҳтожлик бўлмаган тақдирда шу мақсадлар учун олиб бериш тарафдоримиз.

Мен яқинда ёзувчи В. П. Астафьев билан суҳбатлашдим. Красноярскда халқ қандай яшаётгани тўғрисида гаплашдик. У ерда қанчадан-қанча муаммолар йиғилиб қолибди! Медицина хизмати кўрсатиш муаммолари айниқса ўткирдир, туғруқхоналар етишмаяпти. Шундай бир пайтда шаҳарда жуда катта спорт комплекси қурилмоқда. У ҳам керак, албатта. Аммо кечиктириб бўлмайдиган муаммолар борки, уларни биринчи навбатда ҳал этиш лозим. Шаҳарда ўлка комитетининг дурустгина биноси бўла туриб, яна янгисини ҳам қуришди. Ҳозир уни аҳолига хизмат қилиш учун топширишга қарор бериб тўғри қилишди.

Умуман, ўртоқлар, турли хил идоралардан қатъий равишда халос бўлиш, уларни қисқартириш, уларнинг биноларини савдо ва маиший хизмат корхоналарига, медицина муассасаларига топшириш керак. Буни ишнинг бир томони дейиш мумкин. Аммо бошқа бир муҳим томони ҳам бор. Ушбу соҳани ривожлантиришга ажратилаётган маблағларни ўзлаштириш ишнинг мана шундай муҳим томонидир. Келинг, келишиб олайлик: ажратилган маблағ ўзлаштирилиши лозим.

Партия органлари ҳам буни ўз назорати остига олишлари керак. Акс ҳолда биз ўз ишимизда кўпгина хўжалик ишларига киришиб кетиб, одамлар турмушининг ўзига дахлдор масалаларни эса баъзида унутиб қўядиган бўлиб қолдик. Ахир, мақсад инсон яхшироқ яшашидан, унинг кайфияти нормал бўлишидан иборат-ку. Партия органлари чинакам партиявий ишлар билан, сиёсий, ташкилотчилик, идеология иши билан шуғулланишлари, халққа яқинроқ бўлишлари улар ишини қайта қуришнинг асосий мазмуни эканлигининг боиси ҳам мана шунда. Турмушнинг ўзи шуни қатъий тақозо этмоқда. Бу — нима учун ўзимизни қайта қуришимиз кераклигининг энг асосий далилидир, ўртоқлар.

Қайта қуриш мана шу масалаларнинг ҳаммасини очиб ташлаганлиги, одамлар ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини айтиб, ишларнинг аҳволига баҳо бера олишлари учун шароит яратганлиги билан ҳам кучлидир. Қайта қуриш одамларнинг виждони нопок ёки раҳбарлик лавозимига нотўғри кўтарилиб қолган кимсаларга нисбатан талабчанлик қилишларига реал имкониятлар яратади.

Ўртоқлар, охир оқибатда гап бемалол ҳал этса бўладиган, узоқ муддатли программалар ишлаб чиқилишини, илмий ишланмаларни талаб этмайдиган масалалар тўғрисида боряпти-ку. Бунда маҳаллий ресурсларга, маҳаллий ташаббусга таяниб, кўп иш қилиш, энг муҳими эса тартиб ўрнатиш ва бу масалаларни доимо диққат марказида тутиш мумкин.

Бу гаплар беҳуда кетмайди, деб ўйлаймиз. Биз ҳаммамиз жиддий сабоқ чиқариб олиб, ишни ўнглашимиз лозим.

Қурилиш индустрияси базасини ривожлантиришни ҳам кўпроқ эътиборни талаб қилувчи масалалар жумласига қўшиш керак. Делегатларнинг нутқларида шу ҳақда сўз юритилган эди. Биз уй-жойлар, бошқа социал объектлар қурилишини кенгайтира бориб, бинокорлик материаллари, техника, машина-ускуналар ва шу кабилар билан таъминлашда қийинчиликларга дуч келдик. Ва бу масала муҳокама этилди. Бинокорлик материалларини ишлаб чиқаришни анча кўпайтиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Буларнинг ҳаммаси зўр куч-ғайрат сарфланишини, катта эътибор берилишини талаб қилади.

Ўртоқлар, биз таклиф этаётган чора-тадбирларнинг ҳаммаси конференциянинг йўл-йўриқларига мос бўлиб тушади. Конференция ўн учинчи беш йилликка мўлжалланган навбатдаги беш йиллик планни экономикамизнинг социал йўналишини кучайтириш позициясидан туриб ишлаб чиқишни тавсия этди. Аслини олганда биз бу соҳадаги ишимизга ҳозирнинг ўзидаёқ янги омил бағишланганлигини қайд эта оламиз.

Ўртоқлар! Биз ҳаммамиз конференцияда туб иқтисодий ислоҳот муаммолари теварагида авж олиб кетган ўткир мунозаранинг гувоҳи бўлдик. Биз ана шу мунозарадан қандай хулосалар чиқариб оляпмиз?

Аввало — иқтисодий ислоҳотнинг асосий ва бош йўналишлари тўғри танланган. Бунинг устига, ислоҳотни изчиллик билан амалга ошириш ва чуқурлаштириш йўлидагина социал-иқтисодий ўзгартишлар муваффақиятига эришиш мумкинлиги яна бир карра тасдиқланди. Қолаверса, умуман ҳеч ким ислоҳотни шубҳа остига олгани йўқ, Лекин уни амалга оширишнинг бориши кескин танқид қилинган эди.

Конференция бошқа бир нарсани ҳам тасдиқлади: ислоҳотни зимдан тўхтатиб қўйишни, бунинг учун ислоҳот йўлида пайдо бўлаётган ишкаллик ва хатоларнинг ниҳоятда кичик имкониятларидан фойдаланиб қолишни истаётган қолоқ, консерватив кучлар қарши ҳаракат қилишмоқда. Шу масала хусусида делегатларнинг таклифига қўшилиш мумкин, деб ўйлайман: бундай кишиларни — ислоҳот йўлига тўғаноқ бўлаётган кимсаларни раҳбарлик ишларидан олиб ташлаш керак.

Иқтисодий ислоҳотнинг боришини жадаллаштирмоқ учун биз нима қилишимиз лозим? Сиёсий бюро ҳукуматнинг шу масала хусусидаги хулосаларини ва улар билан боғлиқ таклифлар комплексини кўриб чиқди.

Биринчиси. Аввало хўжалик юритиш янги формаларини ва усулларининг моҳиятини бузиб кўрсатиш йўлидаги уринишларни қатъиян бартараф этиш, хўжалик механизмини эски ўзанга қайтариш муддаолари йўлини тўсиш керак.

Бу гап, жумладан, давлат буюртмаси тўғрисидаги масалага таалуқлидир. Бу масала давлат буюртмаси амалда ишлаб чиқариш ҳажмини буйруқ тарзида планлаштиришнинг яширин формасига айланиб кетганлиги муносабати билан конференцияда жуда қизғин муҳокама қилинган эди. Ҳукуматнинг бу хусусдаги таклифлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида давлат буюртмаси улушининг анча камайтирилишини, давлат буюртмаси бериш ҳуқуқ тармоқ министрликлари эмас, балки Госплан қўлига жамланишини назарда тутади.

Яқин икки йил ичида давлат буюртмаси тўғрисидаги муваққат Низомни жорий этиш таклиф қилинади. Министрлар Советининг Президиуми хўжалик ходимлари, олимларнинг катта группасини таклиф этиб, шу масалани муҳокама қилди. Жиддий мунозара олиб борилди ва давлат буюртмаси тўғрисидаги муваққат Низом керак, деган хулосага келинди, ўтиш босқичи айни шундай ёндашувни тақозо этади. Бунда давлат буюртмаси тўғрисидаги ғоя ишлаб чиқариш воситаларининг улгуржи савдосига ўтиш ва нарх белгилашни ислоҳ қилиш билан боғлиқ ҳолдагина тўла амалга оширилиши мумкинлиги назарда тутилди. Бунда, шунчаки сакраб ўта олмайсан, дейишади.

Иккинчиси. Барча тармоқларнинг корхоналарини тўла хўжалик ҳисобига ўтказиш ва янги хўжалик механизмини шакллантиришни ниҳоясига етказиш керак. Янги хўжалик механизми фақат янги нарх нисбатлари негизидагина, самарали ишлайдиган социалистик бозор шакллантирилган, молиявий аҳвол соғломлаштирилган, кенг тармоқли ва таъсирчан банк системаси яратилган, улгуржи савдо жорий этилган шароитдагина тўла куч билан ишлаб кета олишини ва у бошқариш структурасини тегишли тарзда қайта ташкил этишни, ташқи иқтисодий алоқалар системасини қайта қуришни албатта тақозо этишини таъкидлаб ўтиш лозим.

Шу муносабат билан халқ хўжалигини молиявий жиҳатдан соғломлаштириш, пул муомаласини мустаҳкамлаш муҳим эканлигини таъкидламоқчиман. Биз келгуси йил плани ва бюджетини тайёрлаш чоғидаёқ бюджет камомадини қисқартира бошлашимиз керак, бунинг учун эса капитал қурилиш планларини синчиклаб кўриб чиқиш, бюджетни маблағ билан таъминлаш ўрнига банк кредити билан таъминлашга кенг кўламда ўтиш, бошқа унумсиз харажатларни қатъиян камайтириш лозим. Қисқа қилиб айтганда, маблағга қараб яшашни ўрганиш муҳимдир. Дастлабки пайтларда бизнинг капитал маблағлар ҳажми ҳатто камайса ҳам майли, аммо, бунинг эвазига янгидан бошланаётган ва чала қолган қурилишлар сони кескин қисқаради.

Ҳозирги пайтда министрликларнинг хайри-эҳсони ҳисобига кун кўраётган заиф корхоналарга келганда шуни айтиш кераккки, бунда муайян шартлар асосида берилган кредитлардан кенг кўламда фойдаланиш, зарур бўлган тақдирда шундай корхоналарни, қайта ташкил этиш, иложи бўлмаган ҳолларда эса тугатиш, уларни меҳнат коллективлари ёки кооперативларга ижара бериш ҳам мумкин. Бундан чўчимаслик керак.

Экономикани соғломлаштириш банкларнинг ишини қайта қуришга, уларни тўла хўжалик ҳисобига ўтказишга, коммерция банклари тармоғини ривожлантиришга ҳам кўмаклашиши лозим.

Учинчиси. Конференцияда бошқаришнинг ташкилий структураларини қайта қуриш тўғрисидаги ва айниқса, хўжалик юритиш янги системасида министрликларнинг роли ҳақидаги масала манфаатдорлик билан муҳокама қилинди. Ҳозир бу бошқариш системасини реконструкциялашда энг масъулиятли йўналиш деса бўлади. Зотан, шу масалани ҳал этишга вазминлик билан, ҳам бошқарув органларининг, ҳам корхоналарнинг тажрибаси ва янги вазифаларига таяниб ёндашиш керак. Корхоналар биринчи навбатда қонунларга ва уларда белгиланган иқтисодий соҳадаги хатти-ҳаракат қоидаларига бўйсунишлари лозим.

Шуни рўй-рост айтиш кераккки, бошқарув органларининг ҳам, аппарат кадрларининг ҳам обрў-эътибори бошқарув органлари янги шароитда ўз ўрнини қанчалик тез топиб олишига, улар хўжалик юритиш янги усулларини қай даражада муваффақиятли эгаллаб олиб, корхоналар билан муносабатларни қанчалик янгича қура олишларига ҳал қилувчи даражада боғлиқ бўлади. Конференцияда бизнинг замонавий билимдон, юксак даражада профессионал бошқарув аппаратисиз иложимиз йўқ, деган равшан позиция таърифланди. Лекин шу билан бирга бундай аппарат туб иқтисодий ислоҳот талабларини ва меҳнат коллективларининг янги ролини эътиборга олиб, ўз ишини қатъиян қайта қуриши керак.

Тўртинчиси. Сиёсий система ислоҳоти муносабати билан корхоналар ва Советлар ўртасидаги муносабатларни қайта қуриш вазифаси кундаланг бўлиб қолмоқда. Масалани бундай қўйиш тўғридир. Аслида гап маҳаллий органларга ажратиб берилаётган ҳамда коммунал хўжаликни, хизмат кўрсатиш системасини, уй-жой фондини, шаҳар транспортини ва шу кабиларни ўз ичига олган жамоат мулкининг бир қисми ҳолида ўзини-ўзи бошқаришнинг иқтисодий асосини шакллантириш тўғрисида боряпти.

Буни эндиликда корхоналарга Иттифоқ министрликлари ўрнига республика министрликлари ва маҳаллий органлар раҳбарлик қилади, деб тушунмаслик керак. Бу нарса бир буйруқбозлик системасини иккинчи бир буйруқбозлик ситемаси билан оддийгина алмаштириб қўйишни билдирган бўлур эди. Барча корхоналар ва бирлашмалар мамлакат ягона бозори учун ишлаш ҳуқуқига эга ва шундай ишлашлари керак, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар эса маҳсулотларни тенг қийматли тарзда айирбошлашга асосланиши лозим. Уларнинг маҳаллий органлар билан муносабатларига келганда эса бу муносабатлар тегишли ҳуқуқий нормалар ва иқтисодий нормативлар билан мустаҳкамланиши керак.

Биз яхлит халқ хўжалиги комплекси доирасида территориал меҳнат тақсимоти афзалликларидан тўла-тўкис фойдаланишимиз ва шу билан бирга бюджет даромадларини ўстириш орқали республика ва маҳаллий органларнинг регион экономикаси самарадорлигини оширишдан манфаатдорлигини таъминлашимиз зарур.

Бешинчиси. Меҳнат коллективларига хўжалик ҳисобининг бирон-бир формасини мустақил танлаб олиш ҳуқуқини бериш, унинг иккинчи моделидан фойдаланишда манфаатдорликни кучайтириш таклиф этилади. Бу эса иш ҳақи фондини тузиш ва фойдани тақсимлаш нормативлари юқоридан туриб белгиланишидан воз кечишни билдиради. Ишлаб чиқаришнинг ички муносабатлари хўжалик ҳисоби даромадини тақсимлаш ва ундан фойдаланиш асосида қурилади, давлат билан корхоналар ўртасидаги муносабатлар эса давлат имтиёзлари системаси билан бирга солиқ ставкалари билан тартибга солиб борилади. Бу, ниҳоятда матлуб бўлур эди, ўртоқлар.

Иқтисодий ислоҳот муаммоларини кўриб чиқиш маъносида ижара муносабатлари тўғрисида яна гапириб ўтишни истардим. Айни шу ижара муносабатлари ҳам давлат, ҳам кооператив мулкини сақлаб қолган ҳолда бу мулкнинг «эгасизлиги»ни бартараф этиш, ходимларнинг, меҳнат коллективларининг реал хўжалик мустақиллиги ва жавобгарлигини, одамларнинг иш ҳақи уларнинг ишлари пировард натижалари билан бевосита боғлиқ бўлишини таъминлайди. Ижара пудратида бошқаришнинг буйруқбозлик методларига ўрин қолмаслиги принцип жиҳатдан муҳимдир, чунки бўйсуниш муносабати шартнома муносабатига, ўзаро, масъулиятли шериклар муносабатига айланади. Шу сабабли мен юқорида айтиб ўтган ижара тўғрисидаги қонун халқ хўжалигининг барча тармоқларида амал қиладиган акт бўлиши лозим.

Биз ижара муносабатлари оммалашуви йўлидаги ҳамма тўсиқларни олиб ташлашимиз, зарур ҳуқуқий масалаларни, жумладан, ижара муддатлари тўғрисидаги масалани дарҳол ҳал қилишимиз шарт. Мен бу ҳақда гапириб ўтган эдим, лекин яна бир бор таъкидлайманки, ижаранинг қисқа муддати ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва модернизациялашга маблағ сарфлашни рағбатлантирмайди ва ҳатто юлғичлик кайфиятларини келтириб чиқариши мумкин. Бу — равшан. Бюджет манфаатларини ҳам, меҳнат коллективларининг манфаатларини ҳам ҳисобга оладиган ижара ҳақининг қатъий ставкалари бўлиши лозим.

Пировардида, ўртоқлар, мазмун жиҳатидан ҳар хил, лекин менимча, ишимиз учун муҳим бўлган яна баъзи масалаларга тўхталиб ўтмоқчи эдим.

Биринчи масала-фан тўғрисида. Конференция фанни ривожлантиришни ўткир масала қилиб қўйди, фаннинг ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қанча йўналишларида илмий ишланмаларнинг жаҳон даражасидан ҳам, жамиятимиз, халқ хўжалиги эҳтиёжларидан ҳам орқада қолиш кўзга ташланди. Буни, ўртоқлар, эътироф этиш керак, бу бизга конференция берган баҳолар ва қўйган талабларни амалга оширишга диққат-эътибор билан муносабатда бўлиш вазифасини юклайди.

СССР Фанлар академиясининг раҳбарлари фундаментал тадқиқотлар ҳамда Ватанимиз фани тараққиётининг бошқа йўналишларини ривожлантиришга доир ўз программаларига яна бир бор эътибор берадилар, деб ўйлайман. Фаннинг фаол ёрдами бўлмаса, биз қайта қуриш вазифаларини уддалай олмаймиз. Ўз навбатида давлат органлари ҳам, жумладан, СССР Госплани ва СССР Фан ва техника давлат комитети фаннинг моддий базасини тубдан яхшилаш масалаларини кўриб чиқишлари, фаннинг энг устун йўналишлари ривожлантирилиши учун қулай шароитни таъминлаш мақсадида структура ва инвестиция сиёсатини қайта кўриб чиқишлари лозим. Кўпгина масалаларни биз ҳозирнинг ўзидаёқ ҳал қилдик, бошқа масалалар юзасидан қарорлар тайёрлашни тезлаштириш керак.

Ижтимоий фанлар алоҳида эътиборни талаб қилади. Бу фанларнинг ҳозирги аҳволидан партия конференциясида билдирилган ташвиш ва қониқмасликка биз ҳаммамиз қўшиламиз. Гап фақат фаннинг ўзида эмаслигини яна бир марта айтиб ўтиш керак. Ҳозирги вазият кўп жиҳатдан ўтмишда ижтимоий фанларга қандай муносабатда бўлинганлиги билан изоҳланади. Шунга қарамай, бу соҳада қайта қуриш давр эҳтиёжларидан, қайта қуриш практикасининг ўзидан орқада қолаётганлигини айтиб ўтишимиз лозим. Бу эса бизни ташвишга солмай қўймайди.

Очиғини айтиш керак, ҳозир кўпгина катта илмий марказларимиз шарҳловчилик ва танқидчилик роли билан чекланиб қолмоқда, ҳозирча қайта қуришнинг ўзи олға сурган, қайта қуришнинг бориши ҳам, муваффақиятлари ҳам, қайта қуриш натижалари ҳам ҳал этилишига боғлиқ бўлган замонавий муаммоларнинг чуқур ишланмаларини ҳозирча кам бераётирлар.

Қуйидаги таассуротимни ҳам сўзламай ўтолмайман: баъзи олимларимиз қайта қуриш бошланишида қандай позицияда турган бўлсалар, айтишим мумкинки, ҳозир ҳам ўша позицияда турибдилар, қайта қуриш митинглар босқичидан чиқиб, совет жамияти турмушининг ҳамма соҳаларидаги чуқур ўзгартишлар ўзанига ўтганлигини сезмаётирлар. Бу эса чуқур илмий таҳлилни, ҳодисаларнинг моҳиятини тушуниб етишни, амалга оширилаётган жараёнларни идрок этишни талаб қилади. Менимча, жамиятшуносларимизда айни шу нарса етишмаяпти.

Иккинчи масала — экология масаласидир. Бу соҳадаги кўнгилсиз аҳволга конференцияда жуда кўп эътибор берилди. Бу муаммонинг ўткирлигини ва пайсалга солиб бўлмаслигини жамият чуқур тушуниб етди ва жамоатчилик фикри шундайки, бу соҳада ёндашувларни тубдан ўзгартириш талаб қилинади.

Мен бу муаммони икки қисмга ажратишни истар эдим. Баъзи масалалар жуда кўп капитал маблағлар ва ресурсларни талаб қилмайди. Бунда ишни чинакамига ташкил этиб, белгиланган чора-тадбирлар ва программаларни амалга ошириш керак. Бу кечиктириб бўлмайдиган конкрет масалалар тегишли марказий идоралар ва маҳаллий органлар иштирокида ҳал қилиниши лозим. Бунинг устига улар оператив равишда кўриб чиқилиши ва ҳал этилиши даркор.

Бошқа масалалар катта маблағларни қидириб топиш ва ишга солиш, техника ва технологияни тегишли равишда ўзгартириш билан боғлиқ. Умуман, булар истиқболли масалалардир. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва СССРнинг табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш узоқ муддатли давлат программасини тузиш чоғида ана шуларнинг ҳаммасини кўриб чиқиш керак, ўртоқлар. Ўн учинчи беш йиллик ва 2005 йилгача бўлган давр планини тайёрлаш доирасида ана шундай ишлар ҳозирнинг ўзидаёқ олиб борилмоқда. Конференцияда айтиб ўтилган барча таклифлар айнан шу иш доирасида кўриб чиқилиши керак.

Учинчи масала — партиянинг ёшларга нисбатан сиёсати тўғрисида. Бу ҳақда конференцияда принципиал тарзда айтиб ўтилди. Вазифа ана шуларнинг ҳаммасини амалий ишлар ўзанига кўчиришдан иборат. Биз ҳозирнинг ўзидаёқ Марказий Комитетнинг мазкур масалаларга бағишланган Пленумига тайёргарлик билан яқиндан шуғулланишимиз лозим, деб ўйлайман. Бу соҳада жиддий иш талаб этилади. Биз фақат юзаки муаммоларни кўриб чиқиш билан чекланиб қололмаймиз. Бизга чуқур таҳлилга асосланган ҳамда жамиятимизнинг туб вазифаларидан бири — муносиб ўринбосарларни тайёрлаш вазифасини ҳал қилишга қаратилган узоқ муддатли сиёсат зарур.

Яна бир гап, ўртоқлар. Конференциянинг ўзи, унда бўлиб ўтган баҳслар апрель ойидан кейин биз идеология соҳасида ана шу йиллар мобайнида олиб борган ишимизни давом эттириш ҳозир қанчалик муҳимлигини кўрсатди. Бу ҳам тўғри, чунки биз тарихий кўламдаги ишни бошлаган эканмиз, ўтмишни ва ҳозирги даврни идрок этмай туриб ҳамда келгусида жамият тараққиёти асосий тенденцияларини олдиндан кўра билмай туриб, бу ишларни муваффақиятли олиб боролмаймиз.

Биз ҳозир Лениннинг революцион назариянинг аҳамияти тўғрисидаги фикри нақадар теранлигини, айниқса, чуқур тушуниб турибмиз. Очиғини айтиш керак: агар биз назария ва идеология масалалари билан мунтазам ва изчил шуғулланмаганимизда, тарих андозаси билан ўлчаганда, ана шу жуда қисқа даврда биз сиёсат, амалий ишлар соҳасида рўёбга чиқарганларимизга ҳам, мана шу тарихий бурилиш босқичида партия сиёсий етакчилик, ғоялар генератори ролини умуман таъминлаётганига, энг муҳими эса, олдинда бораётганлигига ҳам, буларнинг ҳеч бирига эриша олмаган бўлардик.

Шунга қарамай, конференция идеология соҳасида ҳеч қандай бўшашувчилик, айниқса, кечикиш бўлмаслиги кераклигини зўр куч билан кўрсатди. Бу соҳада мадҳиялар, бир марта ўтказиладиган кампаниялар, хусусий вазифаларни қайта қуришнинг принципиал мақсадларидан ажралган ҳолда ҳал қилиш билан чекланиб қолиш мумкин эмас. Экономика ва социал сиёсат соҳасидаги узилишлар ва нуқсонларгина эмас, шу билан бирга, назария соҳасидаги, идеология фронтидаги қолоқлик ҳам революцион ишимизга ўнглаб бўлмайдиган путур етказиши мумкин, хатолар тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Шу сабабли назарий тадқиқотлар жабҳасини бундан буён ҳам кенгайтиришимиз, барча йўналишларда идеология ишини чуқурлаштиришимиз лозим.

Ўртоқлар, назарий муаммоларни ҳал қилиш учун партия ва жамиятнинг потенциал имкониятлари ҳақиқатан ҳам жуда катта. Бунинг устига ҳозирги маънавий-сиёсий муҳит ижтимоий фикрнинг барча йўналишларида актив ижодий жараён давом этиши учун ҳамма шарт-шароитни яратади, бу эса ижтимоий онгни шакллантиришга бевосита таъсир қилади.

Аммо партия ана шу потенциалдан ҳали ҳам чинакамига фойдаланмаяпти, уни ҳаракатга келтирмади, қайта қуриш ўзанига солиб юбормади — биз буни шу ерда, Пленумда ўз-ўзини танқид руҳида тан олишимиз керак. Хўш, бу соҳада нима халақит бермоқда, ўртоқлар?

Назарияни, ижтимоий фикрни ривожлантириш, идеологияни янгилаш, янги онгни тарбиялаш бир хил ўтмайдиган, зиддиятли, жуда мураккаб жараён, албатта. У вақт ва куч-ғайрат сарфлашни талаб қилади. Аммо ўз-ўзидан ҳам бўлмайди. Бу жараён коллектив иш олиб бориш негизида, ижодий баҳслар орқали, янги ғояларни излаш, қарашларни қиёслаш, фикрлар кураши орқали мунтазам йўналтириб борилиши керак.

Партия ташкилотлари бу вазифанинг бутун кўламини ва мураккаблигини кўришга мажбурдирлар, бу ўринда соддалаштиришга йўл қўйиб бўлмайди. Буларнинг ҳаммаси ўз ҳолича, ўз-ўзидан боришини биз кутиб тура олмаймиз. Бу соҳадаги ишимиз қатъий равишда кучайтирилиши, кучайтирилганда ҳам кенг жабҳа бўйлаб кучайтирилиши лозим: мунозаралар, семинарлар, конференциялар, мақолалар — хуллас, илмий фаолиятнинг ижодий фикрни уйғотишга қодир бўлган ғоят хилма-хил шаклларидан фойдаланиш лозим.

Қайта қуришнинг ҳозирги босқичида назария ва сиёсатнинг мавжуд ютуқларини амалиётда мужассамлаштирувчи актив идеология фаолияти ҳам зарур, албатта. Қайта қуриш ғоялари омманинг қалбига кенгроқ сингиши учун, назария ҳақиқатан ҳам қайта қуришнинг моддий кучига айланиши учун ана шуни кўзда тутиб, собитқадамлик ва ақл билан иш олиб бориш керак.

Ўртоқлар, мен яна бир нарсага тўхталиб ўтмоқчиман. Бизда мунозаралар ҳаддан ташқари кўпайиб кетди, деган гаплар эшитилмоқда. Аниқ айтиб қўяй: бизга мунозаралар, етилган барча муаммоларни жиддий, ижодий муҳокамалар керак. Актив ижтимоий фикр, халқ онги фақат шу йўл билангина шаклланиши мумкин, бунингсиз жамиятни ўзгартиришга доир буюк вазифаларни ҳал қилиб бўлмайди.

Яна бир гап, ўртоқлар. Давримизнинг, ҳаётий жараёнларнинг янгилигидан чўчимаслик керак. Балки биз қайта қуриш — чинакам революцион, ўзгартирувчи жараён эканлигини эндигина чинакам англаб етаётгандирмиз. Шугина эмас, ишончим комилки, ўртоқлар, ҳаракатимизнинг янгилиги ҳали кўп марта кутилмаган воқеаларни келтириб чиқаради. Хўш, шундай экан, саросимага тушиб, воқеаларга баҳо бериш ва хулоса чиқаришда шошилишимиз кераками? Йўқ, ўртоқлар. Биз ҳаёт қандай бўлса, худди шундайлигича чуқур ўрганишимиз, босиқлик билан иш тутишимиз, пухта таҳлил қилиш негизида пировард натижада жамиятимизнинг манфаатларини, социализмнинг манфаатларини кўзлаб пухта ўйланган тўғри қарорлар қабул қилишимиз зарур.

Мен бу соҳада пухта ўйланган, чуқур, изчил иш олиб бориш тарафдориман. Биз Ленин партияси, қудратли сиёсий организм сифатида ўзимизнинг бутун интеллектуал потенциалимизни ишга солишимиз ҳамда сиёсат ва амалиётни бойитиб, назария масалаларида қадам-бақадам олға боришимиз керак. Ўз навбатида практикадан янги тажрибани ўрганиб, уни идроклаб, бундан кейинги фаолиятимиз учун йўл очиб боришимиз, КПСС ишлаб чиққан сиёсий йўлни изчиллик билан амалга оширишимиз зарур.

Эски тасаввурлар андазаси янги ҳодисаларга тўғри келмаслигини яхши тушуниб олишимиз керак. Энг муҳими — келинглар, қайта қуриш учун кураш давомида асосий йўналишдан четга чиқмайлик, хусусий ишларга берилиб кетмайлик, кучимизни арзимаган ишларга сарфламайлик. Янги ишда қийинчиликлар бўлиши муқаррар, уларни четлаб ўтиб бўлмайди. Лекин революцион ўзгартиришлар йўлидан қатъий равишда ва чинакам олға томон ҳаракат қилишгина куни-кеча ҳал қилиб бўлмайдиган ва ҳатто хатарли бўлиб туюлган масалаларни бартараф этиш мумкинлигини ўз тажрибамиз кўрсатди.

Буларнинг ҳаммаси биздан интеллектуал ишни, ижодий фаолиятни, қайта қуриш ҳар куни келтириб чиқараётган барча ҳодисаларга доимий эътибор беришни талаб қилади, албатта. Буни ҳамма тушуниб олиши, бунга вақт топиши лозим, чунки бундай иш қилинмаса, қолоқлик муқаррардир, ҳаёт бизни орқада қолдириб кетиши мумкин. Агар биз революцион давримизда амалда сиёсий етакчи бўлишни истар эканмиз, ҳаётдан орқада қолишга ҳаққимиз йўқ.

Конференция қарорларини бажариш тўғрисидаги баъзи мулоҳазалар ана шундай. Келинглар, Пленум муҳокамасига қўйилган таклифларни кўриб чиқайлик.

Кўриб турибсизки, умуман ишларимиз программаси ғоят тиғиз. Бу программа қайта қуришни чуқурлаштиришнинг энг муҳим эҳтиёжларидан келиб чиқади, партия XXVII съезди ва XIX Бутуниттифоқ конференцияси қарорлари билан белгиланади.

Биз учун жамиятни янгилашнинг ҳамма соҳаларида ва биринчи навбатда — совет кишилари турмушининг энг муҳим муаммоларини ҳал қилишда туб силжишга эришиш зарур. Бу ҳар бир партия ташкилотининг, ҳар бир коммунистнинг ишидир.

Биз жойлардаги ташкилотларга катта ваколатлар берар эканмиз, ижтимоий-сиёсий, хўжалик ва меҳнат ташаббусини ривожлантириш учун имконият берар эканмиз, шу билан бирга партиявий масъулиятни, қайта қуришнинг конкрет участкаларидаги иш учун коммунистларнинг шахсий жавобгарлигини ҳам уларнинг зиммасига юклаяпмиз.

Ҳозир ҳаракат қиладиган давр. Ҳар бир коммунистнинг, ҳар бир меҳнатчининг қайта қуришга ҳиссаси конкрет ишга ва меҳнатнинг конкрет натижаларига қараб белгиланади.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР Олий Совети Президиуми шу йил 29 июль куни қабул қилган қарорда уқтириб ўтиладики, «СССРда кооперация тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганлиги муносабати билан СССР Олий Совети Президиумининг 1988 йил 14 мартдаги Фармонининг маҳсулот ишлаб чиқарувчи, реализация қилувчи ва хизмат кўрсатувчи кооперативлар аъзоларининг даромадларидан, шунингдек меҳнат битими ёки пудрат шартномасига мувофиқ ана шу кооперативларда ишловчи гражданларнинг маошидан солиқ олишга таалуқли қисмининг амал қилиши тўхтатилади. Айни вақтда СССР Министрлар Советига кооперативларда даромадлардан солиқ олиш ҳамда уларнинг давлат билан ўзаро иқтисодий муносабатларига доир бошқа масалалар хусусида СССР Қонун актинининг лойиҳасини тайёрлаш топширилди.

Бундан буён солиқ солишнинг янги тартиби жорий этилгунга қадар ишлаб чиқариш ва хизмат соҳаларидаги кооперативлар, қишлоқ хўжалик кооперативлари аъзоларининг (колхозлардан ташқари) ва меҳнат шартномасига мувофиқ ана шу кооперативларда ишловчи кишиларнинг даромадларидан солиқлар уларнинг 1988 йил июлида олган даромадларидан бошлаб ишчи ва хизматчиларнинг даромадларига солинган солиқ учун белгиланган ставкаларга мувофиқ олинади.

Ишлаб чиқариш ва хизмат соҳаларидаги кооперативлар ҳамда қишлоқ хўжалик кооперативларининг (колхозлардан ташқари) даромадларидан солиқ олиш тўғрисида СССР Министрлар Совети қабул қилган қарорда кўзда тутиладики, шу турдаги кооперативларнинг даромадларидан солиқ СССР Министрлар Советининг 1987 йил 5 февралдаги «Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи кооперативларни тузиш тўғрисида»ги қарорида белгиланган тартиб ва миқдорларда олинади. Ана шу ҳужжатга мувофиқ кооперативлар ташкил этилгандан кейин биринчи йил мобайнида у ўз даромадларининг 2—3 проценти, иккинчи йили мобайнида — 3—5 проценти, шундан кейинги йилларда эса 10 проценти миқдорида солиқ тўлайдилар. Мазкур доиралардаги солиқ ставкаларининг конкрет миқдорларини кооперативларнинг уставларини рўйхатга олувчи халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари белгилайди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ Э. А. РИЗАЕВни ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Партия ва совет органларида узоқ йил самарали ишлаганлиги учун халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Эрнест Алиевич **Ризаев** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
П. ҲАБИБУЛЛАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри,
1988 йил 29 июль.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми халқ маорифини ривожлантириш ҳамда ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашдаги катта хизматлари учун Хоразм область Янгиариқ районидаги «Коммунизм» мактабининг директори ўртоқ Кўчқор **Жуманиёзовга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвони берди.



Бугун—СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти куни

МЕРГАН ОТАҚУЛОВ

Кема денгизга чиқиб, белгиланган жойга йўл олганда оқшом чўка бошлаган эди. Кучли шамол эсарди. Денгизда тўфон кўтарилди. Тўлқинлар кемани гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга чайқарди. Бошқа денгизчилар қаторида КПСС аъзолигига кандидат катта денгизчи Мурод Отақулов ўз артиллерия қуролини қайта-қайта текшириб, зудлик билан ўт очишга тайёрларди.

Денгизга чиқиш арафасида бўлган партия йиғилишида коммунистларнинг роли тўғрисида, уларнинг шахсий составга намунаси ҳақида гап кетганда кема командири катта денгизчи Отақуловни мисол қилиб кўрсатди. У шундай деди:

— Коммунистнинг бошқаларга энг кучли таъсири —бу унинг шахсий намунасидир. Мурод Отақулов — ракета артиллериячи жанговар қисмда бошқаларга ана шундай намуна бўлмоқда.

Дарҳақиқат, М. Отақуловдан намуна олса, ўрганса арзийди. У ҳеч қачон қўл қовуштириб ўтирмайди. Ҳатто дам олиш кунлари ҳам унинг қўлидан китоб тушмайди. Мурод ҳаракатчанлиги, интизомлилиги туфайли мутахассислигини мукаммал эгаллаб, биринчи класс артиллериячи бўлиб етишди. Катта денгизчи ҳаводаги ва денгиздаги нишонларни аниқ мўлжалга олиб, топшириқни аъло бажаради.

Флотда хизмат қилишдан олдин у электровоз машинистининг ёрдамчиси бўлиб ишлаган, меҳнат зарбдори бўлган, флотда ҳам аъло хизмат қилмоқда. Яқинда кема командири ва унинг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари Отақуловнинг Тошкент область Пискент районидаги Эрнест Тельман номли колхозда яшовчи ота-онасига миннатдорчилик хати йўллашди. Улар ўз фарзандларини меҳнатсевар, ҳалол, софдил, Совет Ватанига содиқ қилиб тарбиялаганликлари учун миннатдорчилик билдирдилар. Мурод фақат ўзи ҳақда эмас, кеманинг юксак жанговар тайёргарлиги ҳақида ҳам қайғуради. Бунинг учун у кўп меҳнат қилмоқда.

Мана, бугун у команда жойлашган хонага энг охирида тушди. Тонготарда ўқув жанговар тревогаси эълон қилинганда Мурод биринчи бўлиб ўз постини эгаллади ва жангга тайёрлигини билдирди. Бу сафар ҳам у яна бир синовдан муваффақиятли ўтди.

Биз юқорида денгиз тўлқинланаётганини айтган эдик. Командир буйруғига биноан офицерлардан бири билинтирмасдан бортдан ташқарига сузиб юрган «мина» сифатида фараз қилинган бўш бочкани ташлади. Сигналчи ўз вақтида уни сезди. Командир М. Отақуловга сузиб юрган «мина»ни отишни буюрди.

Лекин бу ишни бажаришнинг ўзи бўлмайди. «Мина» тўлқинлар ўртасида бирданига пайдо бўлар ва тезда кўздан ғойиб бўларди.

Мурод дарҳол ўт очмади. Хизматдошлари ўқ отилишини сабрсизлик билан кутишарди. Бироқ артиллерия қуроли ҳамон сукут сақламоқда. Мана «мина» яна тўлқинлар устида пайдо бўлди. Лекин Мурод бу сафар ҳам ўт очмади.

— «Нега бунча чўзиб юборди?» — ўйлаб қолди қисм командири. Бир дақиқадан сўнг денгизчи тепкини босди. Тўлқинлар устида пайдо бўлган бўш бочкача бироз юқорига сакраб, сув тўлгач, чўкиб кетди.

Отишма тугагандан сўнг командир Отақуловдан ўт очмаганлигининг сабабини сўради:

— Бехато уриш керак эди, — деб жавоб берди Мурод. — Бунинг учун эса «мина» тўлқинлар устида неча секунддан сўнг пайдо бўлишини ва сув юзида неча секунд туришини ҳисоблаб чиқиш зарур бўлди.

— Яша, Отақулов! —деди командир ва қўшиб қўйди:

— Бу — ҳақиқий санъат. Сенинг услубингни бошқа комендорлар ҳам билиши, улар ҳам нишонни сендек мўлжалга олишлари керак.

Тез орада жанговар варақа босиб чиқарилди. Унинг сарлавҳаси «Мерган Отақуловнинг бехато ўқ узиши» деб номланган эди. Варақада комендорнинг юксак жанговар маҳорати, у хизматдошлари билан биргаликда СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти кунини жанговар ва сиёсий тайёргарликда юксак кўрсаткичларга эришган ҳолда кутиб олаётганлиги ҳақида ҳикоя қилинган эди.

И. ЛЕБЕДЕВ.

Суратда: катта денгизчи М. Отақулов машқ қилмоқда. Н. АЛБУЛ фотоси, Қизил Байроқли Қора денгиз флоти.

• Спорт

ФУТБОЛ:
ЎСМИРЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Чехословакияда ўтказилган Европа чемпионати якунланди. Катта футбол ўринбосарлари баҳсида СССР терма командаси учрашувларни муваффақиятли ўтказди. Футболчиларимиз Норвегия командасидан 4:2 ҳисобида устун келгач, ярим финал учрашувини ГДР коллективи билан ўтказиб (3:0). финалга йўлланма олди. Ҳал қилувчи учрашувда вакилларимиз Португалия командаси билан майдонга тушдилар. Ўйин 3:1 ҳисобида футболчиларимиз фойдасига ҳал бўлди. СССР терма командаси составида қатнашган пахтакорчи Миржалол Қосимов чаққон ва тадбиркор ўйинчи эканини намойиш этди. У қўлга киритилган ғалабага ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб, мутахассисларнинг «дирижёр» деган эътирофига лойиқ бўлди. Учинчи ўрин учун курашган ГДР футболчилари Испания командасини 2:0 ҳисобида енгиб, совринли ўринни эгаллашди.

ВЕЛОПОЙГА:
МАРРАДА БИРИНЧИ

«Польша атрофида» халқаро кўпкунлик пойгаси қатнашчилари яна бир босқич баҳслардан кейин мусобақага якун ясайдилар. Пойгада муваффақиятли қатнашаётган тошкентлик Жамолиддин Абдужабборов олтинчи босқичда зафар қучди. У тўрт соат 14,39 секундлик натижа билан ғолиблик супасига кўтарилди.

ШАХМАТ:
ЧЕМПИОН ИБРАТИ

Москвада ўтказилаётган мамлакат чемпионатида кучли шахматчилар ўзаро дона суришмоқда. Жаҳон чемпиони Г. Каспаров олдинда бормоқда. У икки ғалаба ва шунча дуранг билан учта очко тўплади. Чемпион тўртинчи турда А. Соколов билан ўйнаб, битимга келишди. А. Юсупов В. Иванчукка имкониятни бой берди. Қолган учрашувлар дуранг бўлди.

ИККИНЧИ ЛИГА:
ДАВРА БОШИДА

Мамлакат чемпионатида қатнашаётган еттинчи зона — Ўзбекистон командалари ҳал қилувчи давра ўйинларини бошлашди. Пешқадам сифатида довон ошган Халқободнинг «Соҳибкор» командаси футболчилари иккинчи давранинг дастлабки учрашувида қимматли иккита очко йўқотишди. Улар сафарда «Хонқа» футболчиларига 4:1 ҳисобида ютқазишди. Фарғонанинг «Нефтяник» коллективи эса «Металлург» командаси билан ўйнаб (2:0) очколарини 28 тага етказган ҳолда биринчи ўринга кўтарилди.

ТВ: ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА :ТВ

1 август, душанба

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — «Жузеппе Верди». Бадиий фильм. 1-серия. «Болалик ва ўсмирлик». 10.15 —Футбол шарҳи. 10.45 — Янгиликлар. 10.55 — Концерт. 16.00 — Янгиликлар. 16.15 — Қайта қуриш прожектори. 16.25 — «Сибирь тўйи». 17.00 — Ҳужжатли фильм. 17.40 — Қадрдон тароналар. 17.55 — «Мен, сен ва биз ҳаммамиз биргаликда». 18.40 — Дебютлар, танишув, кашфиёт. 19.25 — Акционерлар. 19.50 — Футбол шарҳи. 20.20 — «Жузеппе Верди». Бадиий фильм, 1-серия. «Болалик ва ўсмирлик». 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Риск-II». Бадиий-публицистик фильмнинг премьераси. 1 ва 2-сериялар. Танаффусда — «Дунё воқеалари».

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — «Роталя» халқ рақс ансамбли ижро этади. 9.35 — Рус тили. 10.05 — Мультфильмлар. 10.55 — Болалар учун фильм. 12.15 — Ҳужжатли фильм. 12.40 — «31 июнда». Бадиий фильм, 1-серия. 13.45 — Янгиликлар. 13.55 — «Топиб, хавфсизлантирилсин». Бадиий фильм. 15.20 — Санъат усталари. 18.15 — Янгиликлар. 18.25 — Спорт гимнастикаси. СССР чемпионати ва кубоги. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Халқаро панорама. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Ўлмас Кашчей». Фильм-спектакль. 23.20 — Тонгги почта. 23.50 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 15.00 — «Асов дарё ўзанида». Бадиий фильм 1 ва 2-сериялар. 17.20 — Илмий-оммабоп программа. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Болалар учун фильм. 18.45 — Спорт шарҳи. 19.25 — «Менинг доирам». 20.00 — Ахборот. 20.20 — Аҳоли жон бошига. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Долзарб интервью. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Инсон ва қонун. 23.20 — Телефильм.

УзТВ-II 19.35 — Телефильм. 19.55 — Транспорт ва йўловчи. 20.25 — «Тошкент гўзали—88». **Фрунзе.** 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Азем.

2 август, сешанба

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — «Жузеппе Верди». Бадиий фильм. 1-серия — «Болалик ва ўсмирлик». 2-серия. — «Энг оғир йиллар». 11.25 —Янгиликлар. 11.35 — Катталар учун ўйинлар. 16.00 — Янгиликлар. 16.15 — Молдавия телевидениесининг программаси. 17.20 — Горький саҳнасида совет балети. 17.45 — Ҳужжатли фильм. 18.25 — Архитектура ёдгорликларида музика. 18.55 — Мультфильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Денгиз дўстларини кутиб олмоқда. 20.15 — Шеърият лаҳзалари. 20.20 — «Жузеппе Верди». Бадиий фильм. 2-серия. Энг оғир йиллар». 21.30—Время. 22.05—Ҳужжатли фильм. 22.55 — Дунё воқеалари. 23.05 — Влтава узра пантомима.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Солистлар, хор, флейта, икки арфа ва литавр ижросида сюита. 10.00 — Илмий-оммабоп-фильм. 10.20 — Француз тили. 10.50 — Мультфильмлар. 11.30 — Француз тили. 12.00 — Болалар учун қисқа метражли бадиий фильмлар. 13.10 — Ҳужжатли фильм. 13.35 — «31 июнда». Бадиий фильм, 2-серия. 14.40 — Янгиликлар. 14.50 — «Оловли йўллар». Бадиий фильм, 5-серия. 18.35 — Янгиликлар. 18.45 — Ритмик гимнастика. 19.15 — Виолончель ва фортепьяно учун соль-мажор сонатаси. 19.30 — «9-студия». 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Квартет». Бадиий фильм. 23.30 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 15.00 — Ҳужжатли фильмлар. 16.05— «Тошкент — нон шаҳри». Бадиий фильм. 17.40 — Мастерликка йўл. 18.00 — Янгиликлар. 18.10 — «Пионерлар мамлакатида». 18.55 — Илғор тажриба — хўжалик юритиш практикасига. 19.25 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбек куйларидан концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Ёшлик.

УзТВ-II. 19.35 — Телефильм. 19.45 — «Анна Каренина». Бадиий фильм, 1-серия. 21.00 — Илмий-атеистик пропаганданинг таъсирчанлиги учун. **Душанба.** 21.30 — Время. 22.05 — Кино оламида. 23.15 — «Кралевога борадиган поезд». Бадиий фильм.

3 август, чоршанба

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — «Жузеппе Верди». Бадиий фильм. 2-серия — «Энг оғир йўллар. 3-серия — «Муваффақият». 11.15 — Янгиликлар. 11.25 — «Бригада». Адабий композиция. 15.55 — Янгиликлар. 16.05 — Қайта қуриш прожектори. 16.15 — Ҳужжатли фильмлар. 17.05 — Гиламларнинг сирли безаклари. 17.30 — Ҳужжатли фильм. 18.15 — Дунё болалари нима ҳақида куйлашади. 18.45 — Тарих саҳифалари. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Шеърият лаҳзалари. 19.40 — Фидойи шахслар. 20.25 — «Жузеппе Верди». Бадиий фильм, 3-серия — «Муваффақият». 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Талабаларга биноан учрашувлар. 23.30 — Дунё воқеалари. 23.40 — И. Бриль ва Л. Пташко чалади.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Фильм-концерт. 10.00 — Илмий-оммабоп фильм. 10.20 — Немис тили. 10.50 — Мультфильмлар. 11.20 — Немис тили. 11.50 — Болалар учун фильм. 13.00 — Ҳужжатли фильм. 13.20 — «Қайтишни ўйлама». Бадиий фильм. 14.40 — Янгиликлар. 14.50 — «Оловли йўллар». Бадиий фильм, 6-серия. 18.35 — Янгиликлар. 18.45 — П. И. Чайковский номли халқаро конкурс лауреатлари. 19.25 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 19.30 — Қишлоқ янгиликлари. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 21.15 — Халқ куйлари. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Ҳужжатли фильм. 23.05 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 15.00 — Болалар учун фильм. 16.10 — Қувноқ стартлар. 17.25 — «Абитуриент — 88». 18.00 — Янгиликлар. 18.10 — Телефильм. 18.35 — Тошкент — телевидение Ватани. 19.10 — Ахборот. 19.30 —Санъат олами. 20.10 — Ахборот. 20.30 — Футбол. «Пахтакор» — «Звезда» (Премь). 21.15 — Ж. Абрайқулов чалади. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси белгилаб берган йўлдан.

УзТВ-II. 19.35 — Телефильм. 19.50 — «Анна Каренина». Бадиий фильм, 2-серия. 21.00 — Шаҳар юмушлари ва муаммолари. **Фрунзе.** 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Суғориш ишларига эътибор берайлик. 22.25 — «Йилнинг бешинчи мавсуми». Бадиий фильм.

4 август, пайшанба

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — «Жузеппе Верди». Бадиий фильм. 3-серия — «Муваффақият» 4-серия — «Сургун йиллари». 11.20 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 12.20 — Янгиликлар. 12.30 — Руркино—Фасо тароналари. 15.55 — Янгиликлар. 16.05 — Қайта қуриш прожектори. 16.15 — Ҳужжатли фильм. 16.35 — «Мэри Поппинс, хайр». Бадиий фильм, 1-серия. 17.40 — Концерт. 18.15 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 19.00 — Рассом устахонасида. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Мультфильм. 19.55 — XIX партия конференцияси белгилаб берган йўлдан. 20.20 — «Жузеппе Верди». Бадиий фильм, 4-серия. «Сургун йиллари». 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Флорар—88». 23.30 — Дунё воқеалари. 23.40 — А. Серов куйлайди.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Концерт. 10.00 — Илмий-оммабоп фильм. 10.20 — Испан тили. 10.55 — Мультфильмлар. 11.35 — Испан тили. 12.05 — Болалар учун фильм. 13.15 — Ҳужжатли фильм. 13.35 — «Квартет». Бадиий фильм. 14.50 — Янгиликлар. 15.00 — «Оловли йўллар». Бадиий фильм, 7-серия. 16.10 — Музикали киоск. 18.35 — Янгиликлар. 18.50 — Концерт. 19.10 — РСФСР халқ артисти О. Янковский. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 —Узоқ Шарқ. 21.00 — Ритмик гимнастика. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Сурайё». Бадиий фильм. 23.30 — Футбол. «Локомотив» — «Динамо» (К). Танаффусда — Янгиликлар.

УзТВ-I. 15.00 — Ҳужжатли фильм. 15.45 — Фильм-концерт. 16.25 — «Портлаган дўзах». Бадиий фильм. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мультфильмлар. 18.35 — Улкан муаммонинг қирралари. 19.20 — «Тўй». Теленовелла. 20.00 —Ахборот. 20.20 — Долзарб вазифа. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Лирик концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Бой ила хизматчи». Бадиий фильм. 23.45 — Бугун оламда нима гап?

УзТВ-II. 19.35 — «Оддий юмушлар». Бадиий фильм. 20.50 — Реклама. 21.00 — Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иши. **Фрунзе.** 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Ҳосил—88». 22.25 — «Ўрмонда отилган ўқ». Бадиий фильм.

5 август, жума

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — «Жузеппе Верди». Бадиий фильм, 4-серия — «Сургун йиллари». 5-серия — «Ҳақиқатни кашф этиш». 11.25 — Фидойи шахслар. 12.10 ва 15.55 — Янгиликлар. 16.05 — Нега ва нима учун? 16.45 — Ҳужжатли фильм. 17.15 — «Мэри Поппинс, хайр». Бадиий фильм, 2-серия. 18.30 — Манипури рақслари. 19.00 — Навбат сизга, артист. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — XIX партия конференцияси белгилаб берган йўлдан. 19.50 — Фан: назария, тажриба, практика. 20.20 — «Жузеппе Верди». Бадиий фильм, 5-серия — «Ҳақиқатни кашф этиш». 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Шахмат, жаҳон экс-чемпиони М. Таль билан учрашув. 23.45 — Нигоҳ.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Концерт. 10.05 — Илмий-оммабоп фильм. 10.25 — Инглиз тили. 10.55 — Мультфильмлар. 11.35 — Инглиз тили. 12.05 — Болалар учун фильм. 13.30 — Абхазия дурдонаси. 14.00 — «Сурайё». Бадиий фильм. 15.15 — Янгиликлар. 15.25 — «Оловли йўллар». Бадиий фильм, 8-серия. 18.35— Янгиликлар. 18.45 — Саёҳатчилар клуби. 19.45 — Реклама. 19.50 — Забайкалье жилолари. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Байдарка ва каноэда эшкак эшиш. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Эскича руҳда ҳазил». Бадиий фильм. 23.35 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 15.00 — Ҳужжатли фильм. 15.50 — «Довюрак». Бадиий фильм. 17.25 — Музикали фильм. 17.35 — Абитуриент — 88». 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Телефильм. 18.45 — Ёзувчи ва замон. 19.25 — Агросаноат: тажриба ва муаммолар. 20.00 — Ахборот. 20.15 — Комсомол прожектори. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Аму наволари. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Пахтакорларнинг долзарб вазифалари. 23.00 — «Унутилган одам». Спектакль.

УзТВ-II. 19.30 — «Ўғирлик». Бадиий фильм. 21.00 — Сиз қандай дам оляпсиз? **Душанба.** 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Озиқ-овқат программаси: муаммолар ва мулоҳазалар. 22.50 — «Отряд». Бадиий фильм.

6 август, шанба

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — «Жузеппе Верди». Бадиий фильм, 5-серия. — «Ҳақиқатни кашф этиш». 10.10 — Ҳужжатли фильм. 10.40 — Уй академияси. 11.10 — Халқ куйлари. 11.25 — Социализм мамлакатларида. 11.55 — Совет Эстонияси. 12.50 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 13.20— Халқ чолғулари садолари. 14.00 — Аслини олганда... 15.15 — СССР Давлат телерадиосининг квартети чалади. 15.30 — Дунё воқеалари. 15.50 — Мўъжизасиз-мўъжизалар 16.50 — Цирк. 17.40 — Халқаро программа. 18.45 — «Қизил қоратупроқ». Бадиий фильм. 20.00— Билса ҳазил, билмаса чин. 20.30 — В. И. Лебедев-Кумач шеърлари ва қўшиқлари. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Телевизион танишув. 23.45 — Янгиликлар. 23.50 — Эстрада қўшиқлари халқаро фестивалларида.

МТ-II. 8.30 — Гимнастика. 8.45 — Студия намойиш этади. 9.20 — Ҳамоҳанглик. 10.50 — Сайланмалар. 11.50 — Здоровье. 12.40 — XIX партия конференцияси белгилаб берган йўлдан. 13.05 — Компьютер билан мулоқот. 13.50 — Ҳайвонот оламида. 14.50 — Илмий-оммабоп фильмлар. 15.20 — Эстрада программаси. 17.00 — «Магистраль». Бадиий фильм. 18.30 — Мультфильм. 18.55 — Реклама. 19.00 — Берлинда меҳмонда. 19.35 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Байдарка ва каноэда эшкак эшиш. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Эртага ҳам кун бор». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар.

УзТВ-I. 8.00 — «Ассалому алайкум». 9.30 — Шанба экрани. 10.10 — Даволаш физкультураси. 10.20 — «Салом, болалар». Бадиий фильм. 11.40 — В. И. Лениннинг назарий меросини ўрганамиз. 12.15 — Дўстларимиз куйлари. 12.45 — Ҳужжатли экран. 13.30 — Адабий театр. 14.10 — Сўз кетидан сўз келар. 14.25 — Замондас. 17.15 — Қўғирчоқ фильм. 18.35 — Мактаб ўқувчилари учун. 19.40 — Ахборот. 20.00— Футбол. «Пахтакор» — «Геолог» (Тюмень). 20.50 — Ахборот. 21.10 — Телефильм. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Оламга саёҳат. 23.15 — Оталар чойхонаси — кулгу кошонаси.

УзТВ-II. Душанба. 17.40 — Кичкина деманг мени. — Теленовелла. 18.50 — Жаҳон бир ҳафта ичида. 19.00 — Футбол. «Помир» — «Звезда» (Пермь). 20.45 — Ахбор. 21.05 — Музикали программа. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Ҳужжатли фильм. 22.35 — «Айбсиз айбдорлар». Бадиий фильм.

7 август, якшанба

МТ-I. 8.30 — Янгиликлар. 8.45 — Ритмик гимнастика. 9.30 — Ҳужжатли фильм. 9.50 — Спортлото. 10.00 — Будильник. 10.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 11.30 — Тонгги почта. 12.00 — Киноафиша. 13.00 — Музикали киоск. 13.30 — Қишлоқ янгиликлари. 14.30 — Здоровье. 15.15 — Мультфильмлар. 15.45 — Балтика халқаро фольклор фестивали. 17.15 — Бизнинг бурчимиз. 17.40 — Ҳужжатли фильм. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15 — Мультфильм. 19.50 — «Қотилликда қатнашганлар». Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — П. И. Чайковскийнинг барча симфониялари. 23.10 — Санъат усталари. 00.10 — Янгиликлар.

МТ-II. 8.30 — Зарядкага сафланинг! 8.45 — Сиз яратган боғ. 9.20 — «Уфқ» киноальманахи. 10.00 — Портретлар. 11.00 — В. И. Лебедев-Кумач шеърлари ва қўшиқлари. 11.30 — Совет тасвирий санъати. 12.05 — Оламга саёҳат. 13.25 — Мактаб: ўзгаришлар даври. 13.55 — Ажойиб кишилар ҳаёти. 14.30 — БХР телевидениеси санъат усталарининг концерти. 15.00 — К. Воробьев. «Тақдир ва китоблар». 16.25 — «Полковник Зориннинг тахминлари». Бадиий фильм. 17.55 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 18.00 — Мультфильм. 18.10 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Телевизион музикали абонемент. 20.00 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Музикали сайр. 21.30 — Время. 22.05 — Чет эл фильмлари экрани. 23.25 — Янгиликлар. 23.30 — Спорт программаси.

УзТВ-I. 8.30 — «Ассалому алайкум». 10.00 — Оила даврасида. 11.00 — Биргаликда куйлаймиз. 11.30 — Шахмат мактаби. 12.00 — Сиз қандай дам оляпсиз? 12.20 — Болалар учун телевизон театр. 13.30 — Ота-оналар университети. 14.00 — Пойтахтимиз меҳмонлари. 15.00 — Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ. 15.30 — Реклама. 18.15 — Мактаб ўқувчилари учун. 18.45 — Футбол чорраҳаларида. 19.15 — Бугун — Темирйўлчилар куни. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Дала меҳнаткашлари учун концерт. 21.30— Время. 22.05 — «Ахборот» танқид қилади. 22.20 — «Никоҳ» саватидаги миллион». Бадиий фильм.

УзТВ-II. Фрунзе. 17.30 — Мультфильм. 17.40 — «Сен билан тунги навбатчиликка бораман». Бадиий фильм. 18.00 — Бугун — Темирйўлчилар куни. 18.20 — Дўстлигимиз — бойлигимиз. 20.20 — Фан ва техника. 20.30 — Телемайдон акс садоси. 21.30 — Время. 22.05 — Мурас фольклор-этнографик ансамбли ижро этади. 22.50 — Катталар учун мультфильмлар.

Порахўр дала кезади

ЁКИ БИР «МУХБИР»НИНГ ФОРИШГА ҒАРОЙИБ САФАРИ ҲАҚИДА

У район партия комитети секретарининг хонасига дадил кириб борди. Саломаликдан сўнг ўзини «Совет Ўзбекистони» журналининг фотомухбири деб таништириб, гувоҳномасини стол устига оҳиста қўйди. Форишга келишдан мақсадини айтди:

— Редакциядан илғор чўпонлар ҳақида фотоочерк тайёрлаш топшириғини олганман.

Одатда журналист учун танқидий материал ёки фельетон ёзишдан кўра ижобий мақолалар тайёрлаш қулай ва осонроқ. Ҳар қанча факт зарур бўлса, ҳаммасини дарров муҳайё қилишади. Муҳими, жойларда очиқ чеҳра билан кутиб олишади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Тезда район партия комитетининг масъул ходими ҳамроҳлигида Карл Маркс номли совхозга жўнаб кетишди.

«Райкомга кириб жуда тўғри қилдим-да, — хаёл суриб кетди у йўлда. — Энди ҳеч ким мендан шубҳаланмайди. Аксинча, айтганим айтган, деганим деган бўлади. Аммо мана бу ходимни илаштиргани чатоқ бўлдида...»

Ростданам ўша куни Равшан очилиб юролмади. Бунинг устига тинмай шивалаб ёмғир ёғди. Шунга қарамасдан гоҳ у, гоҳ бу фотоаппаратини чиқариб, илғорларни суратга тушираверди. Журналнинг кўп тилда чиқишини, чет элларга тарқалишини қайта-қайта такрорлашдан эринмади.

Эртаси куни «Қизилқум» совхозининг илғор чўпони Набибулла Абдуллаевга, ҳатто, сурати чиққан журналдан икки-уч нусха юборишни ваъда қилиб, маънoли жилмайди ҳам. Бари бир кўнгли тўлмади. Чўпонлардек содда, тўғри одам бўлмаслигини, ҳар хил қочиримларга ҳадеганда тушунаверишмаслигини шаҳарда ўсиб-улғайган Равшан қаёқдан ҳам билсин?

Хуллас, у Тошкентга қайтадиган бўлди. Шунча йўлдан келиб, икки бармоғини бурнига тиқиб кетавериши унга алам қиларди. Ана шу ташвиш билан бўлиб ўзи миниб келган, қариндоши У. Отаметовга қарашли «Волга»ни «Боғдон» ресторани олдида тўхтатганини сезмай ҳам қолди. Савдодан ишкал чиқара олишига унинг ишончи комил эди. Ўйлаганидек, официант Ҳамза Равутов хизматни «жойига қўяётган» эди. Равшан унга мухбирлик гувоҳномасини кўрсатиб, фотоаппаратини тўғрилади. Бундан ўтакаси ёрилай деган официант ялиниб-ёлворишга тушди. Равшанга эса айнан мана шу вазият керак эди. Ўзини бироз юмшаган қилиб кўрсатди. Бундан фойдаланган Ҳ. Равутов унинг киссасига 175 сўм тиқди...

Равшаннинг кўнгли ёришди. Атрофга янада жиддий кўз билан қарай бошлади. Яхши тозаланмасдан лимонад қуйилган шишаларни кўрсатиб, қовоғини уйди.

— Лимонад районимизда тайёрланади, — дейишди ресторандагилар ундан тезроқ қутулиш пайига тушишиб. — Корхона бу ердан унча олис ҳам эмас.

Лимонад цехи хизматчиси Бердиёр Норбеков билан цехни айланар экан, сўз орасида унга: «Районга бирга борасан», — деб қўйди. Қаёқдандир етиб келган комбинат директори Б. Жалолов эса ўзини йўқотиб қўймади. Ташаббусни қўлга олиб, Б. Норбековни имлаб чеккага чиқарди. Ундан 25 сўм олди-да, 50 сўм қилиб «мухбир»га қистирди.

Фориш ва форишликлар ҳақида Равшаннинг тасаввури қандай бўлганлиги бизга қоронғи. Аммо ўн кундан кейин унинг яна Форишга қайтиб келганлиги аниқ. Энди у расмий равишда идораларга кириб ўтирмади. Фақат командировка қоғозига муҳр бостириш баҳонасида район партия комитети биносига кириб чиқди. Атрофдагиларга ўзини кўрсатиш, райондаги «мавқеи»ни мустаҳкамлаш эди унинг мақсади. Шундан сўнг кўз остига олиб қўйган «Феруза» кафеси томон йўл олди. РайПО раҳбарлари унга бир бухгалтерни қўшиб юборишди.

Янаги куни Равшан яна шу ерда пайдо бўлди. Умумий овқатланиш тармоғи раҳбарлари билан намойишкорона тушлик ҳам қилди. Лекин «вазифаси»ни унутмади. Бош ошпаз Жумабек Азизовдан тортиб буфетчи Актам Алимовгача барчани турли манзараларда суратга тушираверди. Ваҳимада қолган А. Алимов ёлвора бошлади. Худди шуни кутиб турган Равшан дангал 500 сўм сўради. Аммо А. Алимов ва Ж. Азизовлар ўзаро келишолмадилар. Можаронинг устига келиб қолган, илгари ўзи ҳам «жабрланган» нон комбинати директори Жалил Бозоров ягона тўғри маслаҳатни берди: «Милицияга хабар қилиш керак».

Ваъда бўйича порахўр ва буфетчи райком биноси ёнида учрашишлари керак эди. Аммо Равшан эҳтиёткорлик қилиб, пулни район марказида олмади. А. Алимовга «Фориш — Жиззах» йўлига чиқишини буюрди. Ўзи эса автозаправкага бурилиб, бу ерда ҳам олғирлик маҳоратини кўрсатди. Фотоаппаратга бир неча кадр туширди. Лекин заправкачи К. Худойқулов ҳам анойилардан эмас эди. Ўткинчи «Нива»ни тўхтатиб, автомашинани ҳайдаб бораётган «мухбир»га етиб олди. 50 сўм бериб фотопленкани ҳам, «далиллар» ёзилган қоғозни ҳам олиб қолди.

Бу пайтда район маъмурий органларининг бир группа ходимлари порахўрни шу ердан сал нарида — Илончи қишлоғида кутиб туришарди. Бундан бехабар Равшан буфетчидан олган 400 сўмни ҳам машинасига жойлаб эндигина тезликни оширган пайтида уларга дуч келди. Машинасини тўхтатиб, пулларни атрофга ота бошлади. Аммо энди кеч эди...

Хўш, раҳбар кадрларни алдаб, ўнлаб савдо ходимларини лақиллатиб юрган Равшан Маткаримовнинг ўзи ким? 1949 йилда туғилган. Ўрта маълумотли. У ҳеч қаерда ишламайди. Тошкент шаҳар, Октябрь районида яшайди. «Совет Ўзбекистони» журналида ишлагани рост. Аммо 1988 йилнинг 24 мартида редакциянинг 17-сон буйруғи билан ўз хизмат вазифасини бажармаганлиги учун ишдан бўшатилган.

Афсуски, ундан гувоҳномани олиб қолишмаган эди.

— Тан бериш керак, ясама мухбирга тан бериш керак, — дейишмоқда одамлар юқоридаги воқеаларнинг тафсилотини эшитишгач. — Савдо ходимларини ҳам алдайдиган валломатлар бор экан-ку!

Балки ростданам алданган ўша шахслар Равшан Маткаримовга пинҳона тан беришар. Лекин бизнингча, райондаги аҳолига бевосита хизмат кўрсатувчи ташкилотлар раҳбарлари, ишчи-хизматчилари ўз фаолиятларини тубдан қайта қуришга ҳали киришмаганга ўхшайдилар. Акс ҳолда ҳар нарсадан ҳадиксираб, ишдаги камчиликлари, нуқсонларини яшириш мақсадида бир фирибгарнинг ноғорасига йўрғалашмаган бўларди.

Б. САТТОРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

● Ранг-баранг олам

ЧАЁН ЎРГАТУВЧИ

● Профессор Липат Сайсуметнинг номи бутун Таиландда яхши маълум. У чаёнларни коллекция қилади ва тез-тез телевидение орқали хавфли «артистлар» билан чиқади. Унинг коллекциясида неча юзлаб чаён бор. Липат Сайсумет фикрича, чаёнлар ҳеч қачон биринчи бўлиб инсонга ҳужум қилмайди, фақат хавф туғилгандагина ўзларини ҳимоя қилишади.

КИМ ИШЧАН?

● Японлар ҳақида гап борганда, уларни кўпинча ишчан дейишади. Японялик йилига ўртача 2168 соат ишлаган чоғда америкалик 1924 соат, француз 1643 соат меҳнат қиларкан. Япония «иқтисодий мўъжизасининг» сирларидан бири ҳам шунда бўлса керак. Фақат Тайвань аҳолисигина Япониянинг «ўта кўрсаткичларига» яқинлашишга муваффақ бўлди. Уларнинг йиллик «ишчанлик» даражаси ҳар бир кишига ўртача 2000 соатни ташкил этмоқда.

Редактор ўринбосари
Т. НАЖМИДДИНОВ.

Р.— 14055. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. А. — 174. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12